

Илм бахт  
келтирар,  
Билим тахт  
келтирар.

Ўзбек халқ мақоли



# Ma'rifat

ENLIGHTENMENT • XALQ ZIYOLILARI GAZETASI • معرفت

1931-yildan chiqqa boshlagan 2010-yil 18-avgust, chorshanba № 65 (8298) ISSN 2010-6416

## МАКТАБ ЯРМАРКАСИ


### ота-оналарга қулайлик яратмоқда

Болажонлар мактаб бошланишини орзиқиб кутишади. Чунки янги ўқув йилини янги кийимларда, янги ўқув қуроллари билан тезроқ бошлаш қайси ўқувчига хуш ёқмайди, дейсиз. Ўқиш бошланишига ҳали вақт бўлса-да, аксарият оила фарзандлари мактабга боришга тайёр. Улар мактаб, маҳаллаю марказий бозорларда очилган мактаб ярмаркаларидан керакли нарсаларни сотиб олишга улгуришди. Худудларда ташкил этилаётган мактаб бозори ва ярмаркалар ота-оналарга қулайлик яратмоқда. Ҳар ким ўзига яқин жойдан савдо қилиш имконига эга. Ана шундай бозорлардан бири пойтахтимизнинг 5, 257 ва 274-мактабларида ҳам ташкил этилди.

— Мактаб бозорининг айнан мактабда ташкил этилгани ота-оналар учун қулай бўлди. Қизим бу ўқув йилида 5-синфга боради, унга мактаб кийимидан тортиб барча ўқув қуролларигача олиб бердим. У янги кийим ва ўқув қуролларига эга бўлганидан, мен эса ишимиз осон битганидан хурсандман. Олганларимизнинг нархи ҳам ҳамён-боп, бозорниқидан фарқ қилмайди, — дейди Малика Шермонова.

Туман халқ таълими бўлими методисти Гулчеҳра Якубованинг таъкидлашича, бу ерда ўзимизда ишлаб чиқарилган мактаб кийими ва ўқув қуроллари сотилмоқда.

Б.РИЗОҚУЛОВ ва В.ГРАНКИН олган суратлар.



ГАЗЕТАНИ  
ВАРАҚЛАГАНДА:

БИЛИМ  
ЮЗЛАРНИ  
ЁРУҒ  
ҚИЛДИ

2-бет

Mustaqillikning  
19 yilligi oldidan

ТӨШКЕНТ ВИЛОЯТИ

8—9-бетлар

УЛКАН  
АДРОН  
КОПЛАЙДЕРИ

Борлиқнинг  
яралишига ойдинлик  
киришадими?

12-бет

Мамлакатимизда ободонлаштириш ва тозалик ойлиги доирасида ҳамда энг азиз байрамимиз — истиқлолимизнинг 19 йиллиги олдида ташкил этилган умумхалқ хайрия ҳашари жойларда кўтаринки кайфиятда ва фаоллик руҳида ўтди.

## ЮРТ ОБОД — КЎНГИЛАР ОБОД

Жумладан, Халқ таълими вазирлиги тизимидаги таълим муассасаларида ободонлаштириш ишлари қизгин ва ўзаро ҳамжиҳатликда олиб борилди. Умумхалқ хайрия ҳашарида 515 432 нафар педагог-мураббий (шундан 320 042 нафари ўқувчи-талабалар) ва ишчи-ходимлар фаол иштирок этди. Улар томонидан 8435,52 га. майдонда ободонлаштириш ишлари ўтказилиб, 7140,8 км. ариқ ва лотоклар 1942та зиёратгоҳ ва қабристон тозаланди, 5947та турар жойларда кўкаламзорлаштириш ва таъмирлаш тадбирлари амалга оширилди. 971 234 туп дарахтларга шакл берилиб, оқланди, 2712,87 тонна маиший ва қурилиш чиқиндилари 2272та техника воситалари ёрдамида чиқариб ташланди. Шунингдек, 2544та эҳтиёжманд оилаларга муруват ёрдамлари кўрсатилди.

(Давоми 5-бетда.)



Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси томонидан 2010-2011 ўқув йили учун тест синовлари асосида ўтказилган талабалар танлови натижалари жорий йилнинг 14 август кунини эълон қилиниши ҳақида маълумот берилди-ю, кўплаб юртдошларимизнинг юраги бир орзиқиб тушди. Ниҳоят, билимга чанқоқ ёшлар ва уларнинг ота-оналари интиқиб кутган кун келди.

14 август. Соат миллари ҳали 11га етмасдан вилоятдан танишим телефон қилди: «Суюнчи беринг, укам ўқишга кирди». Унинг укаси пойтахтдаги олий ўқув юртлиридан бирига ҳужжат топширганидан хабарим бор эди. Бироз ишонқирамай турганимни сездим, изоҳ берди: «Давлат тест марказининг расмий сайти орқали билдим».

**Дарвоқе, жорий ўқув йили бакалавриат йўналишлари бўйича тест синовлари натижаларини Давлат тест марказининг расмий сайти (www.dtm.uz) ва мобил телефон орқали ҳам билиб олиш мумкинлиги анча қулайлик яратди.**

Шу кунни кўча-кўйда одамлар орасидаги суҳбатнинг асосий мавзуси тест синови натижалари ҳақида бўлди, десак муболага бўлмас керак.

— Омади келмаса, барибир, ўқишга кира олмайди.

— Тўғри, лекин билими кучлилар, албатта, талаба бўлади.

Кўҳна Қизилқум бағридаги Учқудук тумани вилоят марказидан 300 километр узоқликда жойлашган. Учқудуқликлар учун мактаб маънавият-марфат маскани сифатида ниҳоятда кадрли. Шу боис бугун соҳада давом этаётган ишхотларни туманда фаолият юритаётган барча ташкилот ва корхоналар бирдек қувонч билан қузатиб, ҳаммаслак сифа-

ратини ошира бориш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ўтган ўқув йили давомида 3 нафар мураббийнинг иш тажрибаси мактаб, 2 нафариники туман, 3 нафариники эса вилоят миқёсида оммалаштирилди. Бу эса мураббийлар ўртасида ўз устида тинимсиз ишлаш, ўргатиш ва ўрганиш муҳитини юзага келтирди.

— Мактабларимизнинг

ёт марказида бадий гимнастика тўғрақлари ташкил этилди. Жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан туманимиздаги яна битта спорт иншоотининг капитал реконструкциядан чиқарилиши режалаштирилган.

...Учқудуқнинг ўзига хос иқлим шароити бор.

### Taraddud

## УМИДЛАР БОҒЛАНГАН ГЎША

тида қўллаб-қувватламоқда. Буни биргина таълим муассасаларининг қишки-кузги мавсумга тайёргарлигини таъминлаш мақсадида Шимоллий кон бошқармаси томонидан 13та мактабга 5 миллион сўмдан ҳоимлик ёрдами ажратилишидаёқ кўриш мумкин. Шунингдек, янги ўқув йили арафасида ҳудуддаги 29-мактаб, 5, 10-мактабгача таълим муассасалари давлат бюджети ҳисобидан жорий таъмирланди.

Илғор тажрибаларни оммалаштириш, ўқитувчиларнинг касбий маҳо-

9тасида спорт зали мавжуд. Давлат дастури асосида капитал реконструкция қилинган 30, 13, 12-мактаблардаги спорт заллари эса янгича қиёфа касб этди, — дейди туман халқ таълими бўлими масъул ходими Жанна Куратова. — Айни кунда ўқувчиларимиз юз фоиз оммавий спорт турлари билан шугулланишга жалб этилган. Ёзги таътил давомида спорт залларининг барчаси самарали фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, 7 мактаб ва 2та мактабдан ташқари таълим муассасаси, ўқувчилар ижоди-

ёт марказида бадий гимнастика тўғрақлари ташкил этилди. Жорий йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан туманимиздаги яна битта спорт иншоотининг капитал реконструкциядан чиқарилиши режалаштирилган.

...Учқудуқнинг ўзига хос иқлим шароити бор.

Ойбуви ОЧИЛОВА

## БОҒЧА ТЎЛОВИ ПЛАСТИК КАРТОЧКАДА

Хар замону маконда кишилар мақсадга эришиш учун ўзлари қулай деб билган йўлдан борганлар. Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган аксарият болаларнинг ота-оналари ҳам ана шу ақидага мувофиқ иш кўрмоқда.

2004 йил 24 сентябрда Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августда эълон қилинган «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида эса энг муҳим вазифалар белгилаб берилди. Мазкур қарорларнинг ижроси ўлароқ, ҳар бир соҳада пластик карточкалар орқали муомала қилиш кўникмаси шаклланимоқда. Дастлаб ундан фойдаланиш қийин туюлган бўлса-да, бугун у ҳар биримизнинг ҳамроҳимизга айланди. Вақт ўтган сайин ҳисоб-китоб ишларининг плас-

тик карточкалар орқали олиб борилиши аҳоли учун бир қанча қулайликлар яратмоқда.

Чилонзор туманидаги мактабгача таълим муассасаларида ҳам тўловларни пластик карточкалар билан амалга ошириш жорий этилди. «Табассум» номли 485-МТМ жамоаси яратилган бу қулайликдан хурсанд.

— Илгари тўлов суммасини нақд пул билан қабул қилганимиз учун ота-оналар томонидан вақтида тўлай олмаслик муаммога айланарди, — дейди МТМ раҳбари Елена Ленура. — Бу айрим оилаларда ўша пайтдаги моддий етишмовчилик билан изоҳланса, баъзи ота-оналар эса вақт муаммосига учрашарди. Эндиликда вазият ўзгариб,

муаммолар ўз ечимини топди. Ота-оналар имконияти ва вақтига қараб, «Ипотека» банкнинг туманимиздаги барча филиалларидан ҳисоб рақамимизга тўлов пулини ўтказаяпти. Муассасамизда 2009 йилнинг октябрь ойидан бош-

лаб тўловларни шу йўл билан қабул қилишни бошлагандик. Дастлабки ойда 10 нафар тарбияланувчи учун пластик карточкадан пул тўланган бўлса, бугунга келиб, бу кўрсаткич анча ўсган.

— Фарзандим шу ерда тарбияланади. Унга ойлик маошимнинг пластик карточкага ўтказилган қисмидан тўлаяпман, — дейди муассаса тарбиячиси Н.Орлова, — ёнимда нақд пул бўлса, рўзгорнинг кундалик эҳтиёжларига деб

## БИЛИМ ЮЗЛАРНИ ЁРУҒ ҚИЛДИ

Йўл бўйи шу қабилидаги гаплар беихтиёр қулоққа чалинади. Ҳали олий ўқув юртига етиб улгурмасданоқ қувончидан яқинларини қучиб, табрик қабул қилаётган ёки хафалигини яшира олмаётган ёшларга кўзингиз тушади.

«Ҳа, қайта-қайта кўриб чиқдим. Юқори ўринда турибман!». Телефон орқали гаплашаётган, мамнунлиги юз-кўзидан шундоққина кўриниб турган қизнинг ўқишга кирганини пайқаш қийин эмасди.

«Шпаргалкага ..... ишониб қўлига китоб ҳам олмаган-да», — асабийлашади бир йигит ёнидаги шеригига. Афтидан, укаси ё сингисини топширган тест натижалари яхши эмасга ўхшайди.

Талабалик бахтига эришганларни суҳбатга тортамиз.

— Севинчимнинг чеки йўқ, — дейди Дилдора Мамадуллаева. — Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетига юқори балл билан давлат гранти асосида ўқишга кирдим. Энг муҳими, ота-онам, яқинларим, устозларим олдида юзим ёруғ бўлди. Ўқиганларим зое кетмади.

### Qutlug' ostona



Натижалар эълон қилинган кун республикамиздаги барча олий таълим муассасалари қатори Тошкент тиббиёт академияси ҳовлисидан ҳам кун бўйи одам аримади. Касбий таълим (тиббий педагогика), даволаш иши, тиббий профилактика, стоматология, олий ҳамширалик иши йўналишлари бўйича ТТА факультетларида ўқишни ният қилган йигит-қизлар эълонлар та-

таси олдини бир зум бўшатишмади. Бири асабийлашадими, яна бири натижалардан кўнгли тўқ, шекилли, анча хотиржам.

— Ниҳоят, талаба бўлдим, — дейди қувонч билан Музработ туманидан келган Улугбек Омонқулов. — Тиббий педагогика таълим йўналишига топширгандим. Бу иккинчи уринишим эди. Тўғриси, муддатли ҳарбий хизматдан берилган тавсиянома ҳам катта ёрдам бўлди.

Улугбек сингари юртимизнинг олис қишлоқларидан келган ёшларнинг мақсади битта: малакали мутахассис бўлиб етишиш, ватанимиз равнақи учун ҳисса



қўшиш. Ҳа, уларнинг ҳолатини тушуниш мумкин. Ўқишга қабул қилинганлар энди ўзи меҳр қўйган касб сирларини эгаллаш учун талабалик давларида чуқур билим олишни, «йиқилганлар» эса келаси йили янада пухтароқ тайёрланишни дилга тугишаётган бўлса, ажаб эмас.

Хуллас, ғалвир сувдан кўтарилди. Кучли Билим бу гал ҳам ютиб чиқди. Бу ҳали синовларнинг бошланиши. Олдинда эса катта синовлар турибди. Эзгу мақсад-ният билан олий ўқув юрти остонасига илк қадамларини қўйган талаба йигит-қизларга ҳамisha зафар ёр бўлишини тилаймиз.

Бехзод ФАЗЛИДДИН

## ҲАММАСИ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН

мактаб ярмаркалари фаолияти қизгин давом этмоқда

Янги 2010-2011 ўқув йилига ўз вақтида тайёргарлик кўриш, умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларини мактаб кийим-кечаклари, ўқув анжомлари, дарслик ва методик қўлланмалар билан таъминлаш юзасидан Шаҳрисабз туманида ҳам керакли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

— Туман ҳокими қарори асосида умумтаълим мактаблари, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ўқувчилари учун қулай жойлар аниқланиб, асосан, аҳоли гавжум бўлган Чорсу, Арабон, Янги Кеш бозорларида, Дукчи қишлоқ фуқаролар йиғини ҳамда Чоршанби кўрғонида маҳсул мактаб бозорлари ва ярмаркалари ташкил қилинди. Шунингдек, Наматон қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам янги ярмарка фаолияти йўлга қўйилаяпти, — дейди туман ХТБ ўқув ишлари

бўйича бош мутахассиси Аслиддин Ғофуров. — Ҳар 10 кунда туман ва вилоят ҳокимлигига мактаб бозорларининг таъминоти, бу борадаги ишларнинг самарали ташкил этилиши тўғрисида таҳлилий ахборот тақдим этиб борилмоқда. Бундан ташқари, аҳолини хабардор қилиш мақсадида туман телерадиоси ҳамда «Кеш» газетаси орқали мактаб бозорлари ҳамда ярмаркалари фаолияти тўғрисидаги реклама ва эълонларга кенг ўрин бериб борилаяпти.

Ярмаркаларда ўқувчи учун энг керакли барча ўқув қуроллари муҳайё. У.Мамараимов раҳбарлигидаги «Шаҳрисабз инвестимент» МЧЖ ҳамда хусусий тадбиркорлар томонидан бу ерга 30 турдаги ўқув қуроллари, кийим-кечаклар келтирилган.

Арабон бозори «Мактаб ярмаркаси»да қўли қўлига тегмай савдо қилаётган очик чеҳрали сотувчилардан бири —

тадбиркор Зулайхо Турсуновани суҳбатга тортдик:

— Савдо қилишимиз учун барча шароитлар яратилган, товарлар улгуржи савдо базасидан олиб келинмоқда. Ручка, дафтар, акварель, ўчирғич, чизғич каби мактаб ўқувчисига керак бўладиган ўқув қуролларига эҳтиёж катта. Ҳар бир харидорнинг талабини қондиришга ҳаракат қилаяпмиз.

Ўзини Шаҳрисабз туманидаги педагогика касб-хунар коллежи 2-курс ўқувчиси деб таништирган харидор — Мафтуна Эргашева шундай дейди:

— Бу ерда товарларни танлаш имконияти кенг, дафтар-ручкаларнинг тури кўп, харидорлар ўзига керакли маҳсулотни нархи ва сифатига қараб сотиб олади.

Дарвоқе, ҳаммаси ўқувчилар учун мўлжалланган саноат маҳсулотларининг аксарияти Ўзбекистонда ишлаб чиқарилгани билан янада аҳамиятлидир.

Ғолиб БАХРОМОВ, «Ma'rifat» мухбири

йўл-йўлакай ҳам ишлатиб қўяман. Пластик карточка эса захира омборига ўхшайди. Ундаги пулни бирданига тугатиб қўймайман.

Биз тўловнинг ана шу усулини эълон қилганимиздан сўнг муассасамизга фарзандини олиб келувчи ота-оналар сони кўпайди.

Азиза Раҳимова, ҳамшира: — Эълон ҳақида эшитиб, қувониб кетдим. Вақтида тўлашга имкониятим етмагани боис, ўғлимни боғчадан қайтариб олгандим. Пластик карточкада анча пул йиғилиб қолганди. Фаррух яна севимли масканига қайтди. Энди боламнинг боғча пулини тўлашда муаммо йўқ.

Кузатганимиз — биргина боғчадан, юртимизда эса бундай муассасалар анчагина. Айтмоқчи бўлганимиз барча соҳаларга кириб бораётган қулайлик таълим тизимининг дастлабки бўғини — мактабгача таълим муассасаларида ҳам жорий этилди. Зеро, бу қулайлик Фаррух каби боғчага боришни истаган кичкинтойларга имконият туғдирса, ажабмас.

Башорат ОТАЖОНОВА, «Ma'rifat» мухбири

Ўзбек халқи неки яхши нарсалар бўлса, ҳаммасини фарзандига илинади, барча орзу-ниятларини боласининг камоли билан боғлайди, уни бекаму кўст вояга етказишни ҳаётининг мазмуни деб билади. Зеро, бу мақсад жамиятимиз ўз олдига қўйган улғувор ғоялар билан ҳам ҳамоҳангдир. Шу туфайли истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда ёшларга доир давлат сиёсати изчил амалга оширилмоқда. Унинг мақсади баркамол авлод — интеллектуал салоҳияти юқори, миллий қадриятларни эъзозловчи, жисмонан соғлом ва маънан етук ёшларни тарбиялашга қаратилган. Юртбошимиз ташаббуси билан жорий йилнинг “Баркамол авлод йили” деб номланиши бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Таълим самарадорлигига эришиш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларни замон талаблари даражасида эгаллашларини таъминлаш соҳада олиб борилаётган ислохотларнинг, аввало, “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда улар асосида қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар негизи, бош мақсади ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида таълимнинг барча босқичларида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш масаласи устувор вазифа қилиб қўйилган. Шунингдек, унда таълим соҳасида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, Интернет ва телекоммуникация тизимларининг замонавий усулларини ўзлаштиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Белгиланган ана шу вазифаларни бажариш бўйича вилоятда кўпгина ишлар амалга оширилди.


Урганч шаҳри, Янгибозор, Урганч, Ҳазорасп ва Богот туманларидаги 167та мактаб “Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури” доирасида замонавий компьютер, принтер, ска-

келади. Жумладан, касаначилик ҳисобига 10948 та иш ўрни ташкил этилди. Айни вақтда 2010 йили касб-хунар коллежларининг 88 йўналиши бўйича диплом олган 25 мингга яқин йигит-қизни иш билан таъминлаш ва бандлик масалаларини ҳал қилиш бўйича зарурий чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Вилоятда бўш иш ўринлари бўйича ихтисослаштирилган меҳнат ярамаркаларини ўтказиш режаси ишлаб чиқил-

ирасида Гурлан туманидаги 10 ва Урганч туманидаги 2-умумтаълим мактабларининг спорт залларини қуриш, Хива тумани спорт мактаб-интернатининг сузиш ҳавзасини ҳамда “Хоразм” футбол клуби қошидаги футболга ихтисослаштирилган 2-болалар-ўсмирлар спорт мактабини реконструкция қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Давлат дастурини бажариш чора-тадбирлари дастурига асосан, Урганч автомобиль ва



топган. Таълим муассасасида кичик мутахассислар тайёрлаш жараёнини самарали бошқариш, амалий касбий таълим сифатини юксалтириш, таълим муассасасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда малакали мутахассислар тайёрлашда самарали ижтимоий ҳамкорликни таъминлаш мақсадида ташкил этилган Вазирлик кенгаши таркиби оналар кенгаши вакиллари, ҳамкор корхона ва ташкилот ходимлари ҳамда Урганч давлат университети профессор-ўқитувчиларидан таркиб топган. Жорий йилда коллежни битирган 570 нафар битирувчининг бандлигини таъминлаш масаласи ҳам уларнинг фаол иштирокида амалга оширилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, “Баркамол авлод йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг изчил бажарилишида жамиятимиз барча бўғинларининг фаол иштироки талаб этилади. Боиси, ҳар биримизнинг фидойилигимиз, ташкилотчилик ва тинимсиз изланишимизгина умумжамиyat ишининг муваффақиятини таъминлайди.

**Эгамберган КАРИМОВ,**  
Урганч автомобиль ва йўллар коллежи директори,  
Ўзбекистон Қаҳрамони

## КЕЛАЖАК САРИ УМИДЛИ ҚАДАМ

нер жиҳозлари билан таъминланди. Бугунги кунда мактабларда ушбу воситалардан самарали фойдаланилмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан 97та умумтаълим ўқув даргоҳига компьютер синфлари учун жиҳозлар етказиб берилди. Ёшларни иш билан таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорлик ва касаначиликни ривожлантириш масаласи даврнинг энг долзарб ижтимоий масалалари қаторидан жой олган. Бу борада ҳам жорий йилда вилоятда салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида қарийб 33 мингта янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 26821таси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, 5016таси эса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларига дахлдор. Жами иш ўринларининг 28298 таси қишлоқ жойларига тўғри

ди. Режа асосида ўтган давр мобайнида 14та меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Иш берувчи корхоналар эҳтиёжига қараб, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчилари иш билан таъминланди. Вилоятдаги корхона ва ташкилотлар талаб-эҳтиёжлари ўрганилиб, жорий йилнинг ўтган даврида қишлоқ жойларидаги 610 нафар ишсиз ёш аниқ касб ва иш кўникмалари бўйича қайта тайёрлаш курсларида ўқитилди.

Ёшларни соғлом турмуш тарзи талаблари асосида тарбиялашни бугун давр тақозо этмоқда. Шу мақсадда вилоятда спортнинг барча турларини ривожлантириш, айниқса, болалар спортга кенг аҳамият қаратиш, спортнинг оммавийлигини оширишга қаратилган ишлар кўлами кенгайди.

Жорий йилда Баркамол авлод йили Давлат дастури до-

йўллар касб-хунар коллежида қабул қилинган тадбирлар режаси ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Коллежда таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга эришиш, ўқувчиларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдалана олиш бўйича билим ва кўникмаларини ошириш, ўқув муассасасининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида жорий йилда янги замонавий ускуналар билан жиҳозланган 2та компьютер синфи ташкил этилди. Бу нафақат ўқувчилар учун қўшимча имкониятлар яратади, балки ўқув машғулотларининг сифати ҳамда ўқувчиларнинг билим даражалари ошишига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши табиий.

Айтиш жоизки, бу саъй-ҳаракатларнинг негизида коллеж Вазирлик кенгашининг ўқув йили давомида олиб борган фаолияти ўзифодасини

## БОЛАНИНГ ИҚТИДОРИ ҚАЧОН РИВОЖЛАНАДИ?

да. Ўшанда тўшунмаган эканман. Йиллар ўтиб, ўз вақтида рағбатлантирилмаган иқтидор инсон тақдирда беиз қолиб кетмаслигининг исботини ҳаётда кўп кўрдим.

Кейинги пайтларда таълим соҳасига инновацион технологиялар жорий этилиб, бу аллақачон амалда ўз ижобий натижасини кўрсатмоқда. Ушбу янгилик замон талаби билан юзага келган эди. Таълим соҳасидаги кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатадики, бола 7-8 ёшга етгандаёқ унинг дунёқараши, нимага интилиши маълум бўлиб қолади. 9-синфга ўтган бола эса кўпинча дарсга боргиси келмайди, чунки берилаётган таълим унинг қизиқиши, мойиллиги пайдо бўлган касбга йўналтирилмаганлигини билади. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳукуматимиз томонидан оқилона қарор қабул қилинди, яъни илмга интилган бола илм билан шуғуллансин, академик лицейларда ўқисин, касб-хунарга интилгани шу йўлдан борсин. Биз эса болани бир пайтлар 11-синфга «қамаб» ўтирдик. Ваҳоланки, боланинг интилиши бошланган пайтда фурсатни бой бермаслик, унинг иқтидори пайдо бўлаётганда бепарво бўлмаслик керак. Хўш, бепарво бўлмаслик керак деганда қандай жараён назарда тутиляпти?

Бола дунёга келар экан, унинг руҳиятида тўрт туйғу мужассам бўларкан. Биринчиси — адолат, иккинчиси — ҳақиқат, учинчиси — маъсумлик, тўртинчиси — камолот туйғусидир.

Олимларнинг илмий тадқиқотларига кўра, чақалоқда аввал мия, кейин қалб шаклланади экан. Ушбу туйғуларнинг шаклланиши ва ривожланиши яна бир неча омилларга боғлиқ бўлади. Булар ота-онанинг руҳий олами ва фарзанд тарбияси учун яратган шароити, маънавий гўзаллик, яъни ўқилаётган китоблар, атроф-муҳит, мактаб, жамоатчилик таъсири. Галдагиси эса боланинг ўз-ўзини англаши. Ҳар болада маълум бир нарсага мойиллик бўлади. Бу мойиллик ота-она томонидан эртароқ англаinsa, кейинчалик истеъдодга айланаркан. Акс ҳолда...

Бундан бир неча йил олдин Болгария журналида чоп этилган «Не убивайте Моцарта» (Моцартни ўлдириб қўйманг) номли мақола бутун дунёда кўпчилиكنинг эътиборига тушганди. Мақола ўзбек тилига ҳам ўгирилган бўлиб, кейинчалик бизда ҳатто китоб ҳолида чоп этилган. Мақолада айтилишича, икки гуруҳ тарбиячилар бўлади. Биринчи гуруҳ тарбиячиси болаларга расм дарсини ўтади. Орадан беш дақиқа ўтгандан кейин болалар гуруҳда шовқин кўтарганидан ҳалиги тар-

биячи уларни эплай олмай қолади. Иккинчи гуруҳ тоифасига кирувчи тарбиячи эса гуруҳ неча кишидан иборат бўлишига қараб, болалар олдига турли йўналишдаги ўйинчоқларни қўяди. Буни қарангки, ҳамма болалар ўзи қизиққан нарсага овуниб ўтирган экан. Кимдир расм чизган, кимдир кубик ўйнаган. Демак, болаларнинг ривожланиши бир хилда эмас. Бола муҳандис бўлмоқчи, лекин унга мажбурлаб расм чиздиришади. Бола кўшиқчи бўлмоқчи, лекин унга иқтисодчи бўлиши лозимлигини уқтираверишади. Хўш, бундай вазиятда унинг иқтидори қачон ривожланади? Моцартнинг қобилияти 6 ёшда кўз очган экан. Ҳа, агар боладаги ўзига хос иқтидор вақтида англаб етилса, ўша оила, ўша жамият ривожланади. Афсуски, айрим ота-оналар, тарбиячилар боладаги истеъдодни ҳали пайдо бўлмасдан билиб-билмай йўқ қиладилар.

13—17 ёш боланинг ўзига хос ҳислату иқтидори намоен бўладиган энг ажойиб палла. Болалик тўхтамай ўзгариб бораверади, ўсмирликда эса таҳлил бошланади. Айнан ана шу паллада инсонда гўзал туйғулар пайдо бўлади, худди мана шу паллада фарзандларимиз ажойиб кашфиётлар, ташаббуслар қилиш қудратига эга бўлади. Фарзандларимизнинг ушбу ажойиб паллаларида уларга эътибор билан қарасак, фикрларини қўллаб-қувватласак, нур устига нур бўлур эди. Фарзандларимиз мана шундай ривожланиш, ўз-ўзини англаш палласида уларни ёлғизлатиб қўймайлик!

**Феруза АХМЕДОВА**

Юқори синфда ўқиб юрган пайти мактабимизда рассомлик тўғрисида ташкил этилиб, расм чизишга қизиққан ўқувчилар дарсдан кейин шу машғулотларга келарди. Улар орасида мен ҳам бор эдим. Устозимиз Содиқ ака Мирзаев бизга расм чизиш сирларини шошилмасдан, босқичма-босқич ўргатарди. Эсимда, биринчи машғулот куни у киши чойнак олиб келиб, ҳаммамизга унинг суратини чизишни топширди. Кейинги дарсда устозимиз худди шу чойнакни ётқизиб қўйди-да, энди чойнакнинг мана бунақа ҳолатдагисини чизинглар, деди. Аввалига ўқувчилар «ана шу чойнакни чизарканмиз-да», деб бироз беҳафсала иш бошлади. Аммо бир қарашда осон туюлган чойнакнинг муайян ҳолатдаги суратини ўхшатиб чизишга кўпчилигимиз қийналди. Ана шунда орамиздан ҳақиқий иқтидорлилар ажралиб чиққанди. Ҳаммамиздан кўра суратни ўхшатиб чизадигани, биздан бир синф юқорида ўқийдиган Тохир исми бола эди. Тохирдаги қобилиятни кўрган устозимиз ҳар сафар унинг чизган расмларини зўр қизиқиш билан кузатар, назаримда, келажақда ундан рассом чиқишига ишонарди.

Бир куни Тохир машғулотга келмай қўйди. Устозимиз болалардан унинг кўринмай қолганининг сабабини сўради. Шунда унинг маҳалладош синфдошларидан бири Тохирнинг отаси: «Ҳадеб битта чойнакни чизаверасанларми?», деб машғулотга юборман қўйганини айтди. Бу гапни эшитган Содиқ ака: «Шу ҳам гап бўлдию, эссиз, бекор қилибдилар-да», деб ичидан ачиниб қолгани ҳамон ёдим-

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, РЕСПУБЛИКА ЎҚУВЧИЛАР САРОЙИ ТАШАББУСИ БИЛАН «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ»ГА БАҒИШЛАНГАН «БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР ДАСТАЛАРИ» ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ БУХОРО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТДИ.**

Ўқувчи-ёшларнинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, уларнинг ижодкорлиги ҳамда иқтидорини юзага чиқариш, қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий этилган мазкур танловнинг шаҳар, туман, вилоят босқичларида ғолиб деб топилган ҳар бир вилоятдан 8 нафардан ўғил-қиз, жами 112 нафар ўқувчилар ашула ва рақс санъати намуналари билан иштирок этишди. Танловда ҳар бир жамоа, томонидан 8-10 дақиқага мўлжалланган дастурлар намойиш этилди.

Яқуний натижаларга кўра, Бухоро жамоаси олий ўринга муносиб деб топилди. Наманган, Сурхондарё вилояти жамоалари 1, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд вилояти жамоалари 2, Тошкент, Жиззах ҳамда Сирдарё вилояти жамоалари 3-ўринни эгаллашга муваффақ бўлди.

Ғолиб жамоалар республика ўқувчилар саройининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Танлов доирасида барча иштирокчилар Бухоронинг қадимий ёдгорликлари — Лаби Ҳовуз мажмуаси, Пои Калон ансамбли, Сомонийлар мақбараси, Чашмаи Айюб мақбараси, Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳи каби мустақиллик йилларида янгидан обод бўлган тарихий қадимжолар билан танишди.

**Сора ТОШЕВА,**  
«Ma'rifat» мухбири

**АНГРЕН ШАҲРИДАГИ 34-МАКТАБ-ИНТЕРНАТДА ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ҚИЗГИН ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ЎҚУВ КАБИНЕТЛАРИ, ТЎГАРАК ХОНАЛАРИ, ОШХОНА, ЁТОҚХОНА, СПОРТ ЗАЛЛАРИ ҲОМИЙЛАР КЎМАГИ БИЛАН ТАЪМИРДАН ЧИҚАРИЛДИ.**

«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланганидек, ёш авлод таълим-тарбияси, уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиб камол топишида барча шароитлар етарли бўлиши зарур.

Ангрен шаҳар ҳокими А.Юнусов ташаббуси билан олиб борилган таълим масканидаги таъмирлаш ишлари яқунланди. Шаҳардаги ишлаб чиқариш корхоналари вакиллари ҳам мактаб-интернатни таъмирлаш ишларига ҳисса қўшишди.

Ўқувчилар янги ўқув йилини янгича кайфият билан бошлайдилар.  
**Сарвиноз ТУРДИЕВА,**  
34-мактаб-интернат АРМ мудираси

**НОДИРА ХОЛМУРОДОВА БУ ЙИЛ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИНИНГ МУСИҚА ФАКУЛЬТЕТИНИ ТАМОМЛАДИ. У ЯҚИНДА ЙЎЛЛАНМА БИЛАН ДАШТОБОД ШАҲРИДАГИ 36-МАКТАБГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

Унга ўқитувчилик сирларини ўргатиш учун тажрибали муаллимлар устоз сифатида бириктириб қўйилди. Мусиқа ўқитувчиси бўлиб иш бошлаган Нодира янги ўқув йилини сабрсизлик билан кутмоқда.

Даштобод шаҳридаги 56-мактаб жамоаси ўқув йилига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрди. 2008 йили капитал реконструкция қилинган 400 ўринли ўқув биносида ўқувчи ёшларнинг замон талаби даражасида билим олиши учун барча шароитлар яратилган. 18та синф хона, 2та лаборатория ўқув хонаси, 1та компьютер хонаси янги ўқув йилига тайёр. Мактаб биноси табиий газ билан иситилади. Билим даргоҳи раҳбари Ҳилола Фозилованинг айтишича, иситиш тармоғи синаб кўрилиб, ундаги камчиликлар тузатилди.

Янги ўқув йилида мактаб 438 нафар ўқувчини ўз бағрига олади. Таҳсил олувчиларнинг 52 нафари 1-синф ўқувчиларидир. Уларга тақдим этиладиган Президент совғалари мактабга келтирилган.

**А.СОДИҚОВ**

**ТОШКЕНТ ШАҲАР АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТОМОНИДАН «ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР ВА КЕЛАЖАКДАГИ РЕЖАЛАР» МАВЗУСИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

«Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон» шиори остида ўтказилган мазкур тадбирда адлия тизими томонидан фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш йўналишида олиб борилаётган ишлар, галдаги вазифалар муҳокама этилиб, бу борада йўл қўйилган камчиликлар юзасидан зарурий тавсия ва кўрсатмалар ўртага ташланди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, маҳалла фаоллари, ФХДЁ, Нотариат, Адвокатура, Хадича Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази, шунингдек, ОАВ ходимлари иштирокидаги анжуман давомида мамлакатимизда жорий йили қабул қилинган «Суд экспертизаси тўғрисида»ги қонуннинг мазмун-моҳияти, фуқаролар ўртасида ҳуқуқий маданиятни янада шакллантириш зарурияти, бунда ОАВларнинг роли ва аҳамиятини ошириш каби масалалар ҳам муҳокама этилди.

**Б.ЁҚУБОВ**



**МИРЗО УЛУФБЕК ТУМАНИДАГИ 121-МАКТАБДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING 19 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ «БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА АЗИЗДИР ИНСОН» ДЕБ НОМЛАНГАН ЭЗГУ ҒОЯНИ ЎЗИДА МУЖАССАМ ЭТГАН БАЙРАМ ТАДБИРИНИ ЎТКАЗИШ РЕЖАСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН. МАКТАБ ҲОВЛИСИДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ИШЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛДИ.**

Техника қоидаларига риоя қилиш, фавқуллодда ҳолатларнинг олдини олиш, ёнгин келиб чиқмаслиги бўйича ҳам чоралар кўрилган. 20 августдан 5 сентябрга қадар педагогик жамоа аъзоларининг суткалик навбатчилиги жорий этилган. Мактабда санитария-гигиена меъёрларини таъминлаш бўйича масъул шахс белгиланди. Янги ўқув йилида иккита 1-синфга ўқувчилар қабул қилинади. Кам таъминланган оила фарзандлари бепул дарсликлар билан таъминланади.

Бундан ташқари, мактаб ахборот-ресурс марказига ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти вакиллари китоблари келтирилган. Мустақиллик дарслари 1—4-синфлар учун «Бу ёруғ оламда Ватан биттадир», 5—7-синфлар учун «Ўзбекистон улкан имкониятлар, ислохотлар ва янгиланишлар олдидан» мавзуларида ўтиши режалаштирилмоқда. «Баркамол авлод — Ватан таянчи» мавзусидаги республика кўрик-танловига тайёргарлик ҳам бошлаб юборилган.

**Нозима МАМАТОВА,**  
ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси

**БУХОРО ВИЛОЯТИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСINI ОШИРИШ ИНСТИТУТИДА «ТАЪЛИМДА ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР» МАВЗУСИДАГИ ЖАДАЛ-ИНТЕРФАОЛ ЎҚУВ КУРСИДА 26 НАФАР УСТОЗ ИШТИРОК ЭТДИ.**

Ўқув курсини ўтказишдан мақсад — вилоятнинг умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган педагог-ўқитувчиларга замонавий-педагогик технологиялар ва интерфаол усулларни ўргатиш, педагогика ва психология фанларига оид билимларни ўқувтарбия жараёнида қўллаш олишга эришиш, шунингдек, уларга педагогик маҳорат сирларини очиб беришдан иборат. 5 кунлик жадал-интерфаол ўқув семинарининг 10 соати маъруза-суҳбат, 30 соати эса амалий машғулот тренинглар ва муаллифлик ҳимоясига бағишланди. Ўқув жараёнида тренинглар, очик мунозаралар, яқка тартибда, жуфтликда, кичик гуруҳларда ва жамоа кўринишида машғулотлар олиб борилди. Шунингдек, «Устоз-шогирд» тизимида фаолият кўрсатаётган умумтаълим мактаблари ўқитувчиларига таълим жараёнига янгича ёндашиш борасида кўрсатмалар берилди. «Идрок харитаси», «Давра столи», «Венн диаграмма», «Т чизмаси», «СВОТ таҳлили», «Синквейн» услублари, «Бумеранг», «Чархпалак», «Зинама-зина» технологиялари ўқитувчилар томонидан ўрганилиб, ўқув предметларига мослаштирилган ҳолда тақдимотлари ўтказилди, улар баҳолаб борилди. Бундай тақдимотлар ўқитувчиларнинг берилаётган материалга танқидий назар билан қараб, ўз хато ва камчиликларини кўра олиш ва баҳолаб боришига замин яратди.

Семинар яқунда ўқитувчиларнинг суҳбатларда, тренинглардаги иштироки, муаллифлик ҳимояси учун сертификатлар топширилди.

**Зубайда НАРЗИЕВА,**  
Вобкент туманидаги 23-мактаб ўқитувчиси

**КИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР, ДЕЙДИЛАР. ЧИРОҚЧИ ТУМАНИДАГИ 66-МАКТАБ ЖАМОАСИ БУ ҲИҚМАТНИНГ ТЎҒРИ ЭКАНИНИ ЯНА БИР ҚАРРА ИСБОТЛАДИ. МАКТАБ ЖАМОАСИ БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒ ИШЛАБ ТОПИШДА ХАМ ЎЗ ТАЖРИБАСИГА ЭГА.**

Мактаб ҳовлисида атиргуллар лов-лов ёнади, манзарали дарахтлардан баҳри дилингиз очилади. Йўлаклар бўйлаб олма, ўрик, шафтоли дарахтлари саф тортган. Полиэкинлари етилиб турибди. Бу ҳосиллар мактаб жамоасиники.

— Мактабимизга қарашли 3 гектардан ортиқ ер майдонида анор, олма, гилос, ўрик, шафтоли, тут, қайрағоч, кўктеррак, мирзатерак, атиргул, бошқа турдаги манзарали гуллар, полиэкинлари — пиёз, помидор ҳамда кунжут етиштирилмоқда. 3 гектар майдонга ғалла экиб, мўл ҳосил олдик, — дейди мактаб директори Фарҳод Қораев. — Даромад мактабни таъмирлашга, байрамларни нишонлаш ҳамда ўқитувчи ва ўқувчиларни моддий рағбатлантириш учун сарфланади.

Мактаб 2007 йили умуммиллий давлат дастури асосида капитал реконструкция қилинди. 13та синфхона, физика-химия лаборатория хоналари, информатика, меҳнат, чизмачилик, АРМ, маънавият-маърифат хоналари замонавий

ўқув воситалари билан жиҳозланди. Спорт майдончалари ва тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Бу ерда 465 нафар ўқувчига 46 нафар малакали ўқитувчи дарс беради. Ўқитувчи-педагоглар янги ўқув йилига пухта ҳозирлик кўриб, синфхоналар ва ўқув лабораторияларини тайёрлаб қўйдилар.

Жамоа аҳил. Бу аҳиллик ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида сезилади. Ҳар бир синф ўзига бириктирилган ер майдонини парваришлайди. Топилган даромад эса — ўртада. Шунинг учун бўлса керак, ишда унум, самара ва барака бор.

**Б.ОТАЖОНОВА**  
Бурхон РИЗОҚУЛОВ олган сурат.



# ЮРТ ОБОД — КЎНГИЛЛАР ОБОД

(Давоми. Боши 1-бетда.)

## ҚИШЛОҚ ВА ШАҲАРЛАР БАЙРАМОНА ҚИЁФА КАСБ ЭТДИ

Энг улуғ шодиёнамиз ол-дидан Сурхондарё вилоятида бир қанча хайрия тadbирлари амалга оширилди. Халқ таълими муассасаларида ободонлаштириш ойлари доирасида ўтказилган умумхалқ ҳашари сўзимизнинг амалдаги исботидир.

Термиз шаҳри ва барча туманлар миқёсидаги катта тadbирда жами 36 060 нафар халқ таълими ходимлари ва педагоглар иштирок этди. 214,6 гектар майдон ободонлаштирилиб, 20 тоннага яқин маиший ва қурилиш чиқиндилари чиқариб ташланди. 130 км.дан ортиқ ариқ ва лотоклар тоза-

ланди. 236та қабристон ва зиёратгоҳ озода ҳолга келтирилди. 43 223 туп дарахт ва кўчатлар оқланиб, буталанди.

Шунингдек, хайрия тadbирлари давомида, кам таъминланган оилалар, мурувватга муҳтож кишиларга моддий ёрдам кўрсатилди. «Саҳоватли болалар» гуруҳлари кекса, ногирон инсонлар, уруш ва меҳнат фахрийларига хўжалик ишларида кўмак беришди.

Хуллас, ҳашар натижасида қишлоқ ва шаҳарлар байрамона қиёфа касб этди.

**Норқувват Тўраев,**  
«Ma'rifat» мухбири

## БИР ЁҚАДАН БОШ ЧИҚАРИБ

Тошкент шаҳридаги маҳаллалар, кўчалар ва хиёбонлар, мактаблар ва турар-жойлар умумхалқ шанбалигидан сўнг бутунлай бошқача манзара касб этди. Шаҳар халқ таълими бошқармасига икки кун давом этган ҳашар ҳақидаги маълумотлар етказиб турилди. Умумхалқ ҳаракатида пойтахт аҳлининг бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилганини кузатиш қийин эмас эди. Маълумотларга кўра, шаҳар ҳудудидаги 14та туманда жойлашган барча умумтаълим мактаблари, мактабгача таълим даргоҳлари, мактабдан ташқари таълим масканларида то-

залик-озодалик, ободонлаштириш, таъмирлаш ишлари bajarилди. 60702 киши иштирок этган тadbирда 136,2 гектар майдон ободонлаштирилди, 1497 туп дарахтга шакл берилиб, 45,3 тонна чиқинди чиқариб ташланди. 205,3 км. ариқ-зовурлар тозаланди.

Ҳамза туманига қарашли 153-умумтаълим мактаби ўқитувчилари ҳам умумхалқ ҳаракатида фаол иштирок этиб, биринчи галда ўз таълим масканларининг ичкари-си ва ташқарисини тартибга келтирдилар. Мактаб стадионидаги волейбол, баскетбол, футбол тўсиқлари бўялди. Бе-

гона ўтлардан тозаланган мактаб атрофи янада кўркамлашди. Кўкартирилган арча дарахтларининг таги юмшатилади. Булардан ташқари, мактаб атрофидаги 40,38,39-кўп қаватли уйлар атрофида ташкил қилинган «Ёшлар боғи»-даги тозалик ишларига 5,6,8-синф ўқувчилари жалб қилинди.

— 25 нафар ўқитувчининг ва техник ходимларимизнинг бир кунлик иш ҳақи «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳисоб рақамига ўтказилди, — дейди мактаб раҳбари Норбуви Иристоева.

**Ҳ.Тўйманова**

## ОЗОДАЛИК ВА ЎҚУВ ЙИЛИГА ҲОЗИРЛИК КУНИ БЎЛДИ

Юнусобод туманидаги 220-мактаб дарвозасидан кирар эканмиз, ҳовлидаги дарахтларни оқлаётган ўғил-қизлар эътиборимизни тортди. Чақонлик ва шижоат бобида болалардан сира ҳам қолишмаётган ўқитувчилар спорт майдончасидаги машқ анжумларини бўяш билан овора. Ора-орада белкуррак, супурги кўтарган ота-оналарга кўзимиз тушади. Мактаб раҳбари Зебо Холиқулованинг айтишича, ҳашарга 38 нафар ўқитувчи ва 180 нафар ўқувчи жалб қилинган. Эрта тонгдан бошлаб юборилган ободонлаштириш ишлари

натижасида, мактаб ҳовлисидаги барча дарахтлар буталаниб, деворлар оқлангани, ариқ ва зовурлар тозалангани маълум бўлди.

— Умумхалқ ҳашари мактабимизни янги ўқув йилига шай ҳолатга келтириш учун яхши имконият бўлди, — деди Юнусобод туманидаги 235-мактаб директори Мўмина Сулаймонова. — 63 нафар ўқитувчи ва 112 нафар ўқувчи билан биргаликда, мактаб атрофидаги ҳудудлар, жумладан, 8-мавзегга қарашли майдонларни тозалаш-чиқдик. Мактаб ошхонаси, спорт зали, кутубхона ва барча синф хона-

лари тартибга келтирилди.

272-мактабда ҳам ободонлаштириш ишлари авжида экан. Мактаб ҳудудини тозалаш, дарахтларга шакл бериш, оқлаш ишларига 28 нафар ўқитувчи ҳамда 90га яқин ўқувчи жалб этилди. Директор Абдуваҳоб Нурмухамедовнинг таъкидлашича, ўқитувчи ва ўқувчилар ҳамкорлигида «Амир Темур» шох кўчасининг ўнг томони ва мактаб жойлашган кўча (жами 4 км.га яқин масофа) озода ҳолатга келтирилган.

**Висола Қаршибоева,**  
«Ma'rifat» мухбири

## МЕҲР-МУРУВВАТ БАЙРАМИ

Фарғона вилоятида улуғ айёмимиз олдидан ташкил этилган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари кексалар, ногиронлар, меҳр-мурувватга муҳтожлар ҳолидан хабар олишдек хайрли ишларга уланиб кетди. Ҳашарда, айниқса, вилоят педагоглари жонбозлик кўрсатди.

Икки кун давомида 59449 нафардан зиёд педагог, 35117 нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар ободонлаштириш ишларида қатнашди. Ҳашар давомида 177,1 км.дан зиёд ариқ ва зовурлар тозаланди, 100дан зиёд қабристон ва зиёратгоҳлар

ободонлаштирилди, 86629 тупдан зиёд дарахт ва гулларга шакл берилиб, оқланди, 21952 тоннадан зиёд маиший чиқиндилар шаҳар ва қишлоқлар ҳудудидан чиқариб ташланди.

Шу кун устоз ва мураббийлар томонидан 549тадан зиёд фахрий педагоглар оилалари йўқланиб, уларга 10881,9 сўмлик мурувват ёрдамлари кўрсатилди.

— Жамоамиз билан узоқ йиллар мактабимизда ёшларга сабоқ бериб, ҳозир нафақада бўлган фахрий педагогларимиз Роза ая Фаниева ва Нурхон ая Басированинг ҳолидан хабар олдик, —

дейди Фарғона шаҳридаги 30-мактаб директори вазифасини бажарувчи Сарвархон Маҳмудова. — Ўқувчиларимиз фахрийларимиз хонадонларини саранжомлаб, зарур юмушларига ёрдам беришди. Уларга моддий ёрдам кўрсатдик. Кекса педагогларимиз мустақиллик берган файли ва фаровон кунларга шукрона айтишиб, ўзларига кўрсатилаётган эътибор учун чексиз миннатдор бўлдилар ҳамда юрти-мизга тинчлик ва хотиржамлик сўраб дуо қилдилар.

**Баҳодиржон Шокиров,**  
«Ma'rifat» мухбири

## ИСТИҚЛОЛГА ЎЗГАЧА ТАРОВАТ БИЛАН

Умумхалқ ҳашари Наманган вилоятида ҳам кўтаринки руҳда кутиб олинди. Ушбу тadbирда 43 600 нафар халқ таълими ходимлари фаоллик билан иштирок этиб, 80 гектар майдонда ободончилик ишлари амалга оширилди. 68 000 туп гул кўчатлари ўтказилди, 27 000 туп мевали ва манзарали дарахтларга шакл берилди. 42та уй-жой атрофлари таъмирланиб, кўкаламзорлаштириш натижасида кўркам қиёфа касб этган бўлса, 180та зиёратгоҳ ва қабристонларда олиб борилган ободончилик ишлари, 60 километрлик ариқ-зовурларнинг тозаланиб, тартибга келтирилиши кўнгиллари хушнуд этди.

Халқимизнинг ушбу эзгу ва хайрли анъанаси давомида кекса ёшли кишилар, ногиронлар ва кам таъминланган оилаларга ёрдам бериш ишлари ҳам унутилмади. Меҳнат тadbирлари Тўрақўрғон, Норин, Уйчи, Поп, Чуст туманлари маорифчилари ҳамда Наманган шаҳар халқ таълими бўлими жамоасининг хизмати алоҳида бўлди.

Бир сўз билан айтганда, янгича қиёфа касб этиб бораётган Наманган вилояти бу кун энг азиз байрамимиз — Истиқлол кунини ўзининг бор кўрки-таровати билан кутиб олишга тайёр бўлди.

**Нодирбек Ҳамролиев,**  
Наманган вилояти ХТБ мутахассиси



## ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАР ҚАЛБИДА ҲАМ ПОКЛИК ШУКУҲИ

Умумхалқ хайрия ҳашари «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида ҳам ниҳоятда уюшқоқлик билан ўтказилди.

— Икки кун давом этган умумхалқ хайрия ҳашарида шаҳарчанинг 14 500 аҳолиси иштирок этди, — дейди шаҳарча ҳокимининг биринчи ўринбосари Самуғжон Ҳикматов. — Бунда, айниқса, ёшлар ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилишди. Ҳашар кунлари шаҳарча ободонлаштириш бошқармаси ходимлари ҳам муносиб иштирок этишди. Улар барча юмушларни мувофиқлаштириб боришди.

Таъкидлаш жоизки, ҳашар кунлари 6 гектардан зиёд жойлар тозаланди. Шаҳарчадаги 9та маҳалла ҳудуди ободонлаштирилди. Қуриган дарахтлар кесиб ташланиб, бегона ўтлардан то-

заланди. Катта ва кичик ҳалқа йўллари атрофида кўлаб ўзгаришлар қилинди. 1200 туп дарахтлар оқланиб, шакл берилди. Ҳашар давомида шаҳарчадаги маҳалла майдонларидан 70 тоннадан зиёд чиқиндилар олиб чиқиб кетилди. Барча ишлар учун 10дан зиёд транспорт воситалари сафарбар қилинди. Ободонлаштириш ишларида маҳалла ҳудудига қарашли мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳам жуда яхши қатнашди. Янги қабул қилинган ўқувчилар бундан жуда ҳам мамнун эди. Шаҳарчадаги талабалар турар жойлари тартибга келтирилиб, янги ўқув йилига шай қилинди.

**Анвар Қобилов,**  
«Ma'rifat» мухбири

## БИРДАМЛИК, МЕҲНАТСЕВАРЛИК ВА МУҲАББАТ МУЖАССАМЛИГИ

Эзгу қадриятларни ўзида мужассам этган умумхалқ хайрия ҳашари Шайхонтоҳур туманидаги Хувайдо маҳалласида ҳам уюшқоқлик билан ўтказилди.

Авалло, ҳар бир хонадон эрта тонгдан ўз уйи олди ва атрофини, ариқ бўйларини турли хас ва ҳазонлардан тозолади. Сўнгра ободонлаштириш ишлари ҳамжиҳатликда катта йўл четлари, ариқ ва зовурлар, давлат ташкилот ва муассасаларига кўчди.

— Умумхалқ ҳашарида беш юзга яқин киши иштирок этди, — дейди маҳалла раиси Фотиҳ Асқаров. — Ҳудудимиздаги 8та катта, 4та кичик кўчаларда ишчи гуруҳларга бўлинган ҳолда режа асосида тозалаш ишларини олиб бордик. 2 мингдан ортиқ игнабаргли манзарали ва 5 мингдан ортиқ ҳар хил навли мевали дарахтларга шакл берилиб, танаси оқланди. Хувайдо жоме масжиди, маҳалла гузари ва 45-оилавий поликлиника атрофлари озода ҳолга келтирилиб, янги қурилатган «Ипотека банк» филиали ён-веридаги чиқиндилар белгиланган жойга чиқариб ташланди.

Ҳашарда ёшлар энг фаол бўлди. Маҳалламиздаги 169-умумтаълим мактаби ўқувчилари таълим муассасаси ҳудудида, шунингдек, Беруний шох кўчаси (Хувайдо ва Маҳтумқули кўчалари ораллиги)да ободонлаштириш ишларини амалга оширдилар.

Халқимизда кадр топаётган, гўзаллик ва ободликка йўғрилган бундайин эзгу амалларда она халқимизнинг бирдамлиги, меҳнатсеварлиги, аҳиллиги, қолаверса, Ватанга бўлган муҳаббат туйғулари мужассамдир.

**Дилшод Қаримов,**  
«Ma'rifat» мухбири

## Avgust kengashlari oldidan

Айни кунларда қизгин руҳда давом этаётган аънавий август кенгашлари таълим тизимида жорий этилаётган янгиликлардан тортиб, педагогиканинг замон талабларига мос ҳолда ривожланиши, ўқувчи ва ўқитувчи, синф раҳбари ва ота-она муносабатлари, кўйинги, соҳага оид барча ютуқлари муаммолар муҳокама этилмоқда. Ана шундай долзарб масалалар қаторида синф раҳбари фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган шўба йигилишлари ҳам барчани қизиқтириши табиий. Куйида эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолада ҳам синф раҳбари фаолиятидаги муҳим жиҳатлардан бири — ота-оналар мажлисини ташкил этиш ва уни мазмунли ўтказишга оид асосли фикр-мулоҳазалар ўртага ташлангани, муҳокамалар жараёнида ундан методик ёрдам сифатида фойдаланиш мумкин.

Мактаб — оила — маҳалла ҳамкорлигини йўлга қўйиш ҳамда ота-оналар билан ҳамкорликда ишлашда "Ота-оналар мажлиси" муҳим аҳамият касб этади. Бироқ мажлис ҳақида гапиришдан олдин, куйидаги саволларга жавоб излаб кўриш ўринли бўлар эди: "Нима сабабдан ота-оналарнинг мажлисда қатнашиши суст? Ота-оналарнинг мажлисда тўлақонли иштирок этишини таъминлаш учун синф раҳ-

Бунинг учун, ўқитувчи, аввало, ҳар бир ўқувчининг ижобий томонларини кўра билиши ва улар ҳақида ота-онани хабардор қилиб туриши лозим.

— Мен синфимдаги ўқувчиларнинг ота-оналари билан "Мулоқот дафтари" орқали гаплашаман. Яъни, ота-оналар фарзандларининг ютуқ ва камчиликлари, қобилият ва қизиқликлари мажлисга келганда, ўқувчининг шахсий "Муло-

нинг роли қандай? Фарзанд тарбиясида ўқитувчи ва ота-она ўртасидаги муносабат, ўқувчиларни "оммавий маданият" таҳдидидан ҳимоя қилиш (ва ҳ.к.) Улар биргаликда саволларга жавоб ёзади. Бу йўл билан ота-оналарнинг мажлисида фаол иштирок этиб, шахсий фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишига эришиш мумкин.

Мажлислар давомида мактабда ва синфда амалга оширилаётган ишлар, синфнинг мактаб миқёсидаги рейтинги, ҳар бир ўқувчининг ютуқларини ота-оналарга амалий мисоллар орқали кўрсатиш, "Энг намунали оила" танловини ташкил этиш ҳам яхши натижа бериши мумкин.

— Кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб айтмоқчиманки, фарзандининг ижобий томонларига қанча кўп эътибор қаратсангиз, ота-онанинг кўнглига шунча тез йўл топасиз, — дейди Бектемир туманидаги 290-мактабнинг ўзбек

# СИЗ МАЖЛИСГА БОРДИНГИЗМИ?

бари нималарга кўпроқ эътибор қаратиши лозим? Нима учун мажлисга аксарият ҳолларда фақат оналар келади".

Кўп ҳолларда, ўқитувчилар мажлис ўтказилиши ҳақида эълон қилиб кўядилару, аммо уни қандай ўтказиш тўғрисида уйламайдилар. Мажлис ўтказишдан олдин энг муҳим жиҳат — ота-оналарнинг вақти ҳам эътибордан четда қолади. Баъзан ўқитувчи бола индивидуаллигини ҳисобга олмаган ҳолда, бўш ўзлаштирувчи, «тўполончи» ўқувчиларнинг камчиликларини ҳамманинг олдида ошкор қилади. Масалан, «Азиза доим дарсга тайёргарлик кўрмасдан келади, нега назорат қилмайсиз?», «Давроннинг баҳолари жуда даст, у жуда тўполончи, дарс давомида умуман ўтира олмайди» ёки «Зарнигор жуда урушқоқ, дангаса, уй вазифаларини ўз вақтида бажармайди» ва ҳоказо. Бундай гап-сўзлардан зериккан ота-она учун ўз-ўзидан мажлисга келмаслик афзалдек туюлади.

Ҳўш, ота-оналарни қандай қилиб мажлисга жалб қилиш, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мумкин? Ҳар бир ўқитувчи ота-онага улар зиммасидаги жиддий масъулият ҳақида эслатиб туриши лозим. Зеро, бола ҳамма соҳада ота-онасидан ўрнак олади.

Мажлис ўтказишдан олдин ўқитувчи албатта ота-оналарнинг вақтини ҳисобга олиши, ўтказиладиган мажлис тўғрисида бир-икки кун олдин эмас, балки илгарироқ хабар бериб қўйиши, ота-оналарнинг кўнглига йўл топа олиши лозим. Ўқитувчи мажлисга пухта тайёргарлик кўриши керак. Акс ҳолда, ота-оналар олдида ноқулай вазиятга тушиб қолиши мумкин. Мажлис ҳар кунни ўтказиладиган йигилиш эмас. Уни шундай ташкил этиши керакки, ота-оналар ўз истаги билан, яхши кайфиятда келсин.

қот дафтари"дан билиб оладилар. Улар дафтарларни ўқиб, фарзандлари тўғрисидаги маълумотларга жавобан ўз муносабатларини ёзадилар. Бу усулни қўллаганим туфайли ота-онани мажлисга жалб қилишда қийналмайман, — дейди Шайхонтохур туманидаги 59-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Хосият Сувонова.

Ҳар бир боланинг, хоҳ у аълочи бўлсин, хоҳ бўш ўзлаштирувчи ўқувчи бўлсин, ўз беғубор дунёси, қизиқишлари бўлади. Ана шу қизиқиш ва истеъдодларни кўра билган ва ота-оналарга тўғри еткази олмаган устозгина, ота-оналарнинг ҳурматида сазовор бўлади.

— Мажлислар давомида ўқувчиларининг ота-оналари ўртасида тез-тез сўровнома ўтказиб тураман. Аввал ўқувчилар ота-оналар ҳақидаги саволларга жавоб ёзади, сўнг бу жавобларни мажлисларда уларнинг ота-оналарига бераман. Ота-оналар фарзандларининг улар ҳақидаги саволларга қандай жавоб берганини ўз кўзлари билан кўради, уларга ҳам фарзандлари ҳақидаги саволларни бераман. Кейин худди шу саволларга болаларнинг ўзларидан олинган жавобларни ота-оналарга тарқатаман. Бу йўл орқали ота-оналар ўз фарзандларини қай даражада билиши маълум бўлади, — дейди Бектемир туманидаги 289-мактаб ўқитувчиси Саноат Курбанова.

— Ота-оналарни гуруҳларга ажратиб, интерфаол усуллардан фойдаланаман, — дейди Собир Раҳимов туманидаги 22-мактабнинг она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Гулбаҳор Зафарова. — Уларга кун тартибидаги масалалар юзасидан олдиндан тайёрланган саволларни тарқатаман. Масалан, баркамол авлод тарбиясида ўқитувчи, ота-она ва маҳалла-

тили фани ўқитувчиси Нодира Кенжаева. — Шунга кўра, мажлисларда ютуқларга эришган ўқувчиларининг ота-оналарини ҳам фахрий ёрликлар билан тақдирлайман, уларга миннатдорчилик билдираман. Хаттоки, энг бўш ўзлаштирувчи ўқувчининг намунали хулқи ва одоби, энг тўполончи ўқувчининг эса қайсидир соҳадаги иқтидори учун уларнинг ота-онасига миннатдорлик билдиришга ҳаракат қиламан. Бу эса ота-оналарни фарзандларининг тақдирига нисбатан бефарқ бўлмасликка ундайди.

Маълумки, ўқувчиларнинг бўш вақтини самарали ташкил этиш мақсадида ҳар бир мактабда тўғрак ташкил этилади. Мажлисларда ана шу тўғракларда иштирок этаётган ўқувчиларнинг ижодий ишларини кўргазма шаклида намойиш қилиш орқали ота-оналарни тўғраклар фаолияти, унда болаларнинг кундалик машғулоти билан таништириш мумкин.

Шу билан бирга, мажлисларни психолог, маҳалла ноэри, ёнғин хавфсизлиги бўйича масъул ходимлар, шифокорлар иштирокида ўтказиш, улар билан бевосита мулоқот-учрашувлар ташкил этиш, ҳар бир ўқувчиға иқтидорига қараб шеър, кўшиқ, сахна кўринишидан роллар бўлиб бериш ва ота-оналар учун кичик тадбирлар уюштириш ҳам ижобий самара беради.

Ҳаётимизнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқаси қадридир. Ана шу дақиқалар қадрига етган инсонгина кўзлаган мақсадиға эришади. Фарзандларимизни болалигидан ана шу тамойил асосида тарбиялаш — олдимизда тurgan энг муҳим вазифалардан биридир.

**Замира АЗИМБОВА,**  
Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси методисти

# MUSOBAQA O'QUVCHINI FAOLLASHTIRADI

Оқувчиларга чуқур ва mustahkam bilim berishning asosiy manbai o'tilgan mavzularni takrorlashdir. Takrorlash bolalarning bilim darajasini tenglashtira oladigan, ulgurmagani o'quvchilarga yordam beradigan va egallagan bilimlarini mustahkamlashga xizmat qilishi kerak. Albatta, bunday natijaga erishish har bir o'qituvchining mahoratiga bog'liq. Bu ishni ko'proq o'yinlar, yangi pedagogik texnologiyalar vositasida amalga oshirish ham yaxshi samara beradi. 3-sinfda o'tkazilgan "Kim g'olib?" musobaqa o'yini ana shunday usulda tashkil etiladi.

## MUSOBAQA-O'YINGA TAYYORGARLIK

Hozirlik jarayonida avvaldan o'tilgan darslarga doir topshiriq va baho kartochkalarini tayyorlash, sinf o'quvchilarini guruhlariga bo'lib, sardor saylash hamda o'yinda namuna ko'rsatgan guruh va faol o'quvchilarni rag'batlantirish uchun daftar, qalam, ruchka kabilar hozirlab qo'yiladi. G'olib guruhga alohida bayroqcha tayyorlanadi.

## O'YINNING BORISHI

Boshlovchi: — Bolalar! Bugun matematika fanidan "Kim g'olib?" musobaqa o'yinini o'tkazamiz. Sinf o'quvchilari ikki guruhga bo'lingan. O'yin shartini o'qib beraman: savolli kartochkalar tez tarqatib chiqiladi. O'yab olish uchun bir daqiqa vaqt kifoya. Har bir o'quvchining chiroyli yozishi, topshiriqlarni bexato va tez bajarishi hisobga olinadi. Misollarni yechish uchun 1-1,5 daqiqa (og'zaki javobga 1 daqiqa) vaqt beriladi. O'yin davomida tartib saqlagan guruhga 2 ball qo'shib beriladi.

## ASOSIY QISM

Har bir o'quvchida bittadan misolli kartochka bo'lib, ular taxminan quyidagicha bo'lishi mumkin.

$$\begin{aligned} 6879-781 &= & 6955+749 &= \\ 2006 \times 38 &= & 562 \times 810 &= \\ 320:64 &= & 2937+697 &= \end{aligned}$$

Topshiriqni bajargan o'quvchi o'z kartochkasidagi misollarni yechganidan keyin uning ishiga qarab baholi kartochka beriladi. Topshiriqlar o'tilgan mavzularga qarab tuziladi.

## YAKUNIY QISM

O'qituvchi har bir guruhning baholari yig'indisini aniqlab, to'plagan ballarni aytadi. G'olib guruhga berilgan bayroqcha doskaning yuqori qismiga qo'yiladi. Har bir guruhning ilg'or a'zolari rag'batlantiriladi. Magnitafondan bolalar ashulasi yangraydi. Bolalar qarsak chalib, jo'r bo'ladi. Shu bilan, musobaqa o'yini nihoyasiga yetadi.

## MUSOBAQA DARSGA QO'YILGAN TALABLAR

Ssenariyning asosiy qismi yozib bajariladigan misolli

kartochkalarining ishlanishi bilan o'tadi. Amalda bu bilan kifoyalanib qolmasdan, o'yin rang-barangligi va qiziqarligini orttirish maqsadida og'zaki bajariladigan topshiriqlar hamda kartochkalar bilan ishlash ham talab qilinadi. Kartochka topshiriq'i og'zaki bajarilganda, doskaga o'quvchilarning baholari qo'yib boriladi. Lekin har bir o'quvchi o'zining og'zaki javobini isbotlay bilishi kerak. Har bir topshiriqni bajarishga berilgan vaqt 55-60 sekunddan oshmasligi zarur. Sinf taxtasiga yozib va yozmay bajariladigan kartochkalardan navbat bilan foydalanilsa, maqsadga muvofiqdir. Geometrik figuralarga doir kartochkalar javoblarini doskaga chiqib ko'rsatish talab qilinadi.

## MUSOBAQA-O'YINNI REJALASHTIRISH

"Kim g'olib?" musobaqa o'yinini qachon va qaysi paytda o'tkazish katta ahamiyatga ega? Uni matematika darslarida va sinfdan tashqari ishlarda uyushtirish mumkin. Musobaqa o'yini matematika darslari hisobidan takrorlash soatlari o'rnida o'tkaziladi. Bundan tashqari, har chorak yakuni, ta'lim paytlari va o'quv yilining oxirida o'tkazilsa, ayni muddao bo'ladi. Musobaqa o'yini oxirgi soatlarida o'tkazilsa, bolalardagi charchoq sezilmaydi.

## O'QUVCHILAR BILIMIGA BAHO

Sinfda guruhlararo musobaqa o'yini o'tkazilganda, har bir guruh a'zolarining bilimlari teng kuchga ega bo'lishi lozim. O'yinlarda past baho qo'ymaslik zarur. Yuqori baho qoloq o'quvchilarni ham tushkunlikka tushirmasdan, navbatdagi topshiriqda faol qatnashishga undaydi. Ikkinchidan, bo'sh o'zlashtiruvchi o'quvchilarga a'lochilarning yordam berishlari uchun sharoit yaratish kerak. Uchinchidan, sinf o'quvchilarida o'zaro yordam va mustaqil fikrlash muhitini vujudga keltiradi. O'quvchi bilimining mezonini — o'quvchilar olgan baholar yig'indisini shu sinf o'quvchilari soniga bo'linmasi o'qituvchi mehnatiga berilgan bahodir.

## MUSOBAQA-O'YINNING AHAMIYATI

Sinf o'quvchilarini har bir darsni etibor bilan tinglashga, ularni doskada bexato va to'g'ri yozishga hamda misol-masalalarni yecha olishga, o'zaro bir-birlari bilan aloqada bo'lib, hamkorlikda ishlashga chorlaydi. Shuningdek, berilgan topshiriqlarni sustkashlik bilan bajaradigan o'quvchilarni chaqqon harakat qilishga undaydi.

**Gulmira OTAJONOVA,**  
Namangan viloyati Yangi qo'rg'on tumani 30-maktab boshlang'ich sinf o'qituvchisi

## Avgust kengashlari sho'ba yig'ilishlari

### ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВОСИТАСИДА

Шўба йиғилишларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ўтказилган республика анжуманида иштирок этиб, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурларига киритилган айрим янгилликлар хусусида тушунчалар олдик.

Ўқув жараёнига ахборот коммуникация ва мультимедиа воситаларини ҳамда электрон дарсликларни жорий этиш, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларининг иш юкларини белгилаш ва тақсимлаш тартибига киритилган ўзгартиришлардан воқиф бўлдик. Умумий ўрта таълим

жисмоний тарбия фанидан ДТСлар шарҳи, ўқув дастурлари ҳамда дарсликлар мазмуни бўйича таҳлилий маърузалар ҳар биримизда катта қизиқиш уйғотди.

Август шўба йиғилишларини ўз туманимизда ўтказар эканмиз, ўқитувчиларга бу янгилликларни кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қилаёلمиз. 5—9-синф ўқувчилари билимларининг сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисидаги Низомнинг янги таҳрири ўқитувчи-педагогларимиз учун катта имкониятлар яратди. Бундан ташқари, педагогик юкларнинг камайтирилганлиги ўқитувчилар-

нинг вақтини тежайдиган бўлди.

Шўба йиғилишларида фанларга киритилган ўзгартиришлар хусусида савол-жавоблар бўлмоқда. П.Турдиев, И.Худойқулов, Х.Тожиев, Т.Хўжаев, Н.Санақулов, Ф.Қувондиқов бош бўлган шўба йиғилишларида ўқитувчилар фаол. Йиғилишлар қанча таъсирчан ва мазмунли бўлса, у албатта, таълим-тарбияда ўз аксини топади. Ниятимиз — ҳар бир ўқитувчи ижодкор бўлсин.

**З.МУРОДОВ,**  
Иштихон туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири

### ЎҚИТУВЧИ «ЎҚУВЧИ»ГА АЙЛАНГАНДА ЁХУД ШЎБА ЙИҒИЛИШЛАРИГА МАЗМУН БАҒИШЛАГАН ИННОВАЦИОН УСУЛЛАР

Пойтахтимиздаги барча туманларда янги 2010-2011 ўқув йили олдида бўлиб ўтаётган август кенгашлари шўба йиғилишларида ўқитувчилар фаол иштирокчига айланмоқда. Миробод тумани таълим ходимлари гуруҳ-гуруҳ ҳолида турли мактабларга тўпланиб, ўз фанлари бўйича тайинланган тренер-ўқитувчилар маърузасини тинглашга жалб қилинган. Тингловчиларга барча материаллар мультимедиа ва слайдлар орқали етказилмоқда. Ҳар бир фан ўқитувчисининг инновацион усулдаги намуналарини дарси шўба йиғилишларида ўзгача руҳ бағишляпти. Педагоглар атиги бир соат «ўқув-

чи»га айландилар ва шунда бу усулнинг афзаллиги, тезкорлиги, аҳамияти ҳақида ҳулоса чиқардилар.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармасида малака оширган тренер-ўқитувчилардан бири — 154-умумтаълим мактаби ҳуқуқ фани муаллимаси Холида Охунова:

— Ҳуқуқ фани бўйича шўба йиғилиши мактабимизда ўтказилди. 20 нафардан зиёд ҳамкасбимга ушбу фан бўйича Давлат таълим стандартларига ва ўқув дастурларига киритилган ўзгартишларни етказишда замонавий

технологиялардан фойдаландим. Уларнинг ҳар бирига босма тарқатма материаллардан ташқари электрон вариантдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ҳам тақдим этдик. Бу материаллар билан улар чуқурроқ танишиши лозим.

20та фан йўналиши доирасида бўладиган шўба йиғилишлари шу ҳафта охирида ниҳоясига етказилади, кейинги ҳафтада ялпи йиғилиш бўлиб ўтади. Унда 900дан зиёд турли фан ўқитувчиларининг иштироки тўлиқ таъминланиб, улар олдида янги ўқув йилида амалга оширилиши зарур бўлган энг муҳим вазифалар кўйилади.

**Ҳ.ТҶИМАНОВА.**

### МАҲОРАТ ВА ИМКОНИЯТ

таълим сифати ва самарадорлигини ошириш омили

Бахмал туманида 71та умумтаълим мактаби фаолият кўрсатади. Жойларда бўлгани каби мазкур туманда ҳам август кенгашлари шўба йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Бу йилги йиғилишларнинг ўзига хос жиҳат ва янгилликлари ҳақида туман халқ таълими бўлими методика кабинети мудири Турғун Оракулов шундай дейди:

— Шўба йиғилишларини туман миқёсида мазмунли ва таъсирчан қилиб ўтказиш, таълимга оид меъёрий ҳужжатларни жойларга ўз вақтида етказиш ва тарғиб қилиш мақсадида тренерлар тайёрланди.

Улар ҳам ўз навбатида барча мактаблар учун шу йўналишда тренерлар тайёрлашга эътибор қаратди. Мактаб директорлари, ўқув ишлари, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари — 71 нафар устоз-мураббий тре-

нер мақомига эга бўлди. Ана шу тренерлар 6-7 август кунлари туманимиздаги барча таълим масканлари учун 213 нафар тренер тайёрлашга муваффақ бўлди. Бундай ўқитувчи-тренерлар ҳар бир фандан 4 нафар, бошланғич синфлар учун 8 нафарни ташкил этмоқда.

— Ўқитувчининг педагогик иш юкларини анча соддалаштирилди, — дейди 7-мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Абдумажид Назаров. — Энди дарс жараёнига эътибор кучайтирилади. Энг муҳими, «Умумий ўрта таълим муассалари ўқувчиларининг билимлари сифатини назорат қилишнинг рейтинг тизими тўғрисида»ги Низомнинг янги таҳрири қабул қилиниши айни муддао бўлди. Эндиликда баҳолашнинг 5 балли тизими сақланиб қолади. 4 турдаги назорат амалга

оширилади: жорий, оралик, босқичма-босқич ва якуний назорат шулар жумласидандир.

Албатта, бундай янгилликлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиши табиий. Тажрибали физика фани ўқитувчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси Малоҳат Зиёдуллаева ҳам ҳар бир мавзу ўқувчининг ёшига мослаштирилгани, бу ўзлаштиришда қўрилган натижани беришига ишонч билдирди.

Шўба йиғилишларида кўрилган масалалар юзасидан тақлифлар, тавсиялар ўрганилиб, ҳисобот тайёрланди. Август кенгашларида улар умумлаштирилди. Туман халқ таълими бўлими етакчи мутахассиси Ҳайдар Худойкуловнинг айтишича, 100га яқин тақлиф ва тавсиялар тайёрланди.

**Абдусаттор СОДИҚОВ**  
«Ma'rifat» муҳбири

### МУАММОЛАР ЕЧИМИ ЎЗ КЎЛИМИЗДА

Зангиота туман халқ таълими бўлими тасарруфидаги 25-мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган шўба йиғилишларида «Бола шахсига йўналтирилган таълим — мактабгача таълимнинг устувор вазифаси», «Комил инсонни тарбиялашда таълим муассасаси, оила ва мактаб ҳамкорлиги», «Мактабгача ёшдаги болаларга таълим-тарбия беришда лойиҳа усулидан фойдаланишнинг аҳамияти», «Ўйинчоқ фақат овунчоқми?», «Ўзимиз ўйинчоқ ясаймиз», «Ўйинчоқ устахонаси», «Бола шахсини шакллантиришда ривожлантирувчи муҳитнинг самараси» каби долзарб мавзулар муҳокама этилиб, уларни тумандаги метод уюшмаларнинг фаол аъзолари М.Раҳматова, Б.Давлатова, Ш.Жўраева, Ш.Зияева, Г.Шаропова, У.Ҳожи-метова, Ч.Раҳматова, З.Маткаримова, М.Атахўжаева, Г.Муҳамедовлар олиб боришди.

Шўба йиғилишлари замонавий техник воситалар ёрдамида давра суҳбати, ақлий ўйинлар, амалий психологик-педагогик тренинг, баҳс-мунозара шаклларида ўтказилиб, унда барча тарбиячилар фаол иштирок этди. Иштирокчилар, айниқса, «Бола шахсига йўналтирилган таълим — мактабгача таълимнинг устувор вазифаси» мавзусига қизиқиб, болага таълим-тарбия бериш юзасидан кўплаб муаммоли саволларга жавоб топиб, бу ечим ўз кўлларида эканлигига амин бўлдилар.

25-МТМ раҳбари Ирода Раҳимова муассасада болаларни ҳар томонлама ривожлантириш учун яратилган шарт-шароит билан меҳмонларни таништирди. Улар гуруҳларда ташкил этилган ўйин марказларининг мақсади ҳамда методик қоидалари ҳақида кенг ва атрофлича маълумотга эга бўлишди.

**Умида АШРАПОВА,**  
Зангиота тумани халқ таълими бўлими услубчиси

### СИФАТ ВА МАЗМУН УЙҒУНЛИГИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Дўстлик туман халқ таълими бўлими мудири буйруғи асосида август кенгашларига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий кўмита таркиби, шунингдек, ўтган 2009-2010 ўқув йилини сарҳисоб қилиш ҳамда янги ўқув йилида сермазмун, унумли натижаларга эришиш юзасидан аниқ дастур ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Жорий йилнинг 3-4 август кунлари вилоят миқёсида, 6-7 август кунлари эса туман миқёсида шўба раҳбарлари учун фанлар кесимида малакали мутахассислар томонидан тренинг-машгулотлар ўткази-

либ, уларга зарурий тавсиялар берилди, методик кўмак кўрсатилди. Жумладан, Республика таълим маркази томонидан тақдим этилган тавсиялар асосида шўба раҳбарлари анъанавий август кенгашларида кўриб чиқилиши кўзда тутилган барча янгилликлар бўйича аниқ кўрсатмалар билан таништирилди. Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб таълим тизимида киритилган ўзгариш ва янгилликлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

— Бу йилги август кенгашлари ҳар йилгисидан фарқланади, — дейди туман халқ таълими бўлими методисти Фахриддин Раттаев. — «Сифатли таълим — баркамол авлод камол топишининг пойдеворидир» шиори остида ўтказилаётган кенгашларда Давлат таълим стандартлари ва ўқув дастурларидаги узвийлик ва узлуксизликнинг таъминлини, уларнинг ўқувчи ёши ҳамда психофизиологик хусусиятларига мослаштирилиши, шу асосда ўқув ада-

биётларининг янги авлодини яратишга оид ўзгаришлар, баҳолашнинг рейтинг тизимидаги қулайликлар, педагоглар иш юкларини белгилаш ва тақсимлашнинг янги тартиби ҳамда «Устоз-шогирд мактаби» фаолиятига доир янгилликлар мазмун-моҳиятини ўқитувчиларга етказишда туман халқ таълими бўлими методистлари, шўба раҳбарлари зиммасига катта масъулият юкланган. Бу масалаларга жиддий аҳамият қаратилмоқда.

Анъанавий август кенгашларининг мазмунли ва ижодий муҳитда ўтказилиши ҳам мутахассисларимиз диққат марказида турибди. Шўба йиғилишларида муҳокама қилинган тажрибали ўқитувчиларнинг методик тавсиялари, маърузалар, янги педагогик технологиялардан янги ўқув йилида кенг фойдаланилади. Бу материаллар туман халқ таълими бўлими методкенгаш томонидан ўрганиб чиқилмоқда. Энг намуналар деб топилган ишлар туман миқёсида оммалаштирилади.

**Санжар РУСТАМОВ,**  
«Ma'rifat» муҳбири

# ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ИСТИҚЛОЛ КЎЗГУСИДА

## 1991

**Вилоятдаги жами мактаблар сони** — 843та.  
Шундан:  
замонавий типдаги — 651та;  
мослаштирилганлари — 164та;  
авария ҳолатидагилари — 28та.

**Мактабларнинг моддий-техник базаси:**  
дарсликлар таъминоти — 76,8 фоиз;  
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 26 фоиз;  
компьютер технологиялари билан таъминланганлиги — 35 фоиз;  
мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 70 фоиз.

**Вилоят болалар спорти объектлари:**  
спорт залига эга мактаблар сони — 475та;  
болалар спорти объектлари — йўқ;  
болалар спорти объектларининг спорт анжумлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 56,6 фоиз;  
ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 14,6 фоиз.

**Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони** — 37та.  
Шундан:  
замонавий типдаги — 5та;  
мослаштирилганлари — 32та;  
авария ҳолатидаги — йўқ.

**Вилоятдаги хунар-техника билим юртлири сони** — 33та.  
Шундан:  
замонавий типдаги — 25та;  
мослаштирилганлари — 8та;  
авария ҳолатидаги — йўқ.

**Ўрта махсус таълим муассасалари моддий-техник базаси:**  
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 45 фоиз;  
компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 18 фоиз;  
мавжуд техника воситалари сони — 520та.

**Ўрта махсус таълим муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:**  
педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 1650 нафар.  
Шундан:  
фан докторлари — йўқ;  
фан номзодлари — 4 нафар;  
олий маълумотли ўқитувчилар — 990 нафар.

Ўрта махсус таълим йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 69та.

Хунар-техника билим юртлирига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 15300 нафар.

**Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони** — 3та.  
Шундан:  
университетлар — йўқ;  
институтлар — 2та;  
ОУЮларининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 50,3 фоиз;  
Компьютер билан таъминланганлиги — 25,3 фоиз.

**Профессор-ўқитувчилар сони** — 663 нафар.  
Шундан:  
фан докторлари — 36 нафар;  
фан номзодлари — 263 нафар;  
Мутахассисликлар умумий сони — 24та.

1992 1993 1994 1995 1996 1997 1998 1999 2000 2001 2002 2003 2004 2005 2006 2007 2008 2009

## Умумий ўрта таълим

● Мустақиллик йилларида вилоят халқ таълими тизимида жами 191 нафар ўқитувчи турли давлат мукофотлари билан тақдирланган. Шундан 14 нафари «Халқ ўқитувчиси», 20 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими», 15 нафари «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 12 нафари «Меҳнат шухрати» ордени, 8 нафари I даражали «Соғлом авлод учун», 23 нафари II даражали «Соғлом авлод учун», 7 нафари «Эл-юрт хурмати» ордени, 12 нафари «Дўстлик» ордени, 80 нафари «Шухрат» медали билан тақдирланган.



64та умумтаълим мактабида ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатяпти.

● «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг республика босқичида иштирок этган вилоят умумтаълим мактабларининг 24 нафар педагогидан 5 нафари биринчи, 7 нафари иккинчи, 10 нафари учинчи ўринни кўлга киритган.

● 28 нафар педагог ва раҳбар ходим Ўзбекистон Республикаси Президентининг истиқболли ёш педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш «Истеъдод» жамғармасида ўз малакасини оширди.

● «Йилнинг энг яхши психологи» кўрик-танловининг республика босқичида Оқўрғон туманидаги 6-умумтаълим мактаби психологи Ирода Мирзабекова 2-ўринни эгаллади.

● «Йилнинг энг яхши тарбиячиси» кўрик-танловида Тошкент туманидаги 16-МТМ тарбиячиси Ч.Усмонова 3-ўринга сазовор бўлди.

● Вилоят ҳудудидаги мактабларда 19 фандан 349та «Устоз-шоғирд мактаблари» фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 1047 нафар шоғирд-ўқитувчи жалб этилган.

## Ўрта махсус, касб-хунар таълими



● 2007 йили Ангрэн компьютер ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежи ўқувчиси Илхом Нейматуллаев Москва шаҳрида ўтказилган Колмагоров ўқишлари фан олимпиадасида математика фани бўйича фахрли 2-ўринни кўлга киритди.

● Нукус шаҳрида ўтказилган «Барқамол авлод-2008» спорт мусобақаларининг республика босқичида Олмалиқ шаҳридаги сановат касб-хунар коллежи ўқувчиси Марат Хайдаров энгил атлетика бўйича олтин медаль билан тақдирланди. Чирчиқ шаҳридаги Олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Дилшод Абдурасулов сузиш бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди. Кўл тўли бўйича вилоят терма жамоасига 1-ўрин насиб этди.

● Янгийўл академик лицейи ўқувчиси Дилноза Адилжонова таэквандо бўйича ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этиб, 12та медаль соҳибига айланди.

● Ўзбекистон мустақиллиги йилларида халқ таълими тизими ходимларидан 42 нафари хорижий мамлакатларда бўлиб ўтган конференция, семинар, форумлар иштирокчисидир.

● 64та умумтаълим мактабида ахборот-ресурс маркази фаолият кўрсатяпти.

● Илғор ва новатор ўқитувчилардан 25 нафарининг иш тажрибаси республика миқёсида, 16дан зиёд муаллимнинг иш тажрибаси эса вилоят миқёсида оммалаштирилган.

● Умумтаълим фанлари бўйича бўлиб ўтган фан олимпиадаларининг Республика босқичида иштирок этган 44 нафар ўқувчидан 9 нафари ҳуқуқ, она тили, тожик тили ва қозоқ тили фанларидан фахрли ўринларни эгаллади.

● Жорий йилнинг май ойида Бухоро шаҳрида бўлиб ўтган «Электрон таълим ахборот ресурслари» кўрик-танловида Паркент туманидаги 1-умумтаълим мактаби ўқувчиси Абдумавлон Юсуфбоев «Компьютер ўйинлари ва тренажёрлар» лойиҳаси бўйича 1-ўринни забт этди.

● Юқори Чирчиқ туманидаги 5-умумтаълим мактаби ўқувчиси Айгулим Эгамқулова Қозоғистон Республикасида қозоқ тили ва адабиёти фанидан ўтказилган халқаро олимпиадада иккинчи ўринни эгаллаб қайтди.

● Кўйи Чирчиқ туманидаги 13-умумтаълим мактаби ўқувчиси Юлдузхон Дурхўжаева «Янги авлод—2009» кўрик-танловининг республика босқичида зардўзлик йўналиши бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

● Бухоро шаҳрида ўтказилган «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танловининг республика босқичида Бекобод қурилиш ва коммунал хўжалиги касб-хунар коллежи жамоаси фахрли 1-ўринни эгаллади.

● Тошкент вилоят педагогика коллежи қошидаги «Баҳор гулшани» дастаси пойтахтимизда ўтказилган «Барҳаёт анъаналар-2009» фольклор жамоалари фестивалининг республика босқичида 1-ўринни эгаллади.

● Жорий йилнинг 15 март кuni Ўзбекистон давлат консерваториясида ўтказилган «Энг иқтидорли ёш истеъмоличи» V республика кўрик-танловининг финал босқичида Оқўрғон агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежи ўқувчилари фахрли 1-ўринни кўлга киритиб, ташкилий кўмита томонидан 1-даражали диплом ва қимматбаҳо саздалик совғалари билан тақдирланди.

● «Хуқуқ билимдонлари» кўрик-танловининг республика босқичида Оқўрғон тумани агросаноат ва тадбиркорлик касб-хунар коллежининг «Адолат» жамоаси фахрли 3-ўринни эгаллади.

● Шу йилнинг май ойида ўтказилган «Ягонасан, муқаддас Ватан!» республика кўрик-танловида Бекобод санъат коллежининг 3-босқич ўқувчиси Зулфия Тожибоева эстрада йўналиши бўйича фахрли 1-ўринни кўлга киритди.

● Тошкент давлат аграр университети мева-сабзавотчилик йўналиши магистранти Шухрат Аҳмедов 2008 йилда Президент стипендианти бўлди.

● Тошкент давлат аграр университети талабаларидан икки нафари — Мастура Умарова (2002 й.), Екатерина Аблаева (2003 й.), университет қошидаги академик лицей ўқувчиси Саида Бермағамбетова (2005 й.)лар Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлишган.

● Тошкент давлат аграр университети «Ўсимликшунослик» кафедраси катта ўқитувчиси Ботир Ҳайитов 2009-2010 ўқув йилида ЮНЕСКО ташкилотининг гранти асосида Хитой Халқ Республикасининг Жанубий Хитой қишлоқ хўжалик университетидида ўсимликшунослик ихтисослиги бўйича малака ошириб қайтди.

● Тошкент давлат Аграр университети талабалари «Универсиада-2010» спорт мусобақаларида 3та кумуш, 3та бронза медалини кўлга киритишди.

● Тошкент вилоят давлат педагогика институтидида «Қозоқ тили ва адабиёти», «Тожик тили ва адабиёти», «Дефектология», «Миллий мактабларда рус тили ва адабиёти таълими» йўналишлари янгидан очилди.

● Институт ўқитувчилари томонидан

● Вилоятда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан 12 млрд. 180 млн. сўм маблағ сарфланиб, 87та спорт (шундан 71таси, яъни 81,6 фоизи қишлоқ жойларида) объекти қурилди. Фойдаланишга топширилган спорт инвентарлари 1 млрд. 125 млн. сўмлик спорт ускуналари ва анжомлари билан тўлиқ жиҳозланди.

● Ҳомийлар маблағлари (20 млрд. сўм) ҳисобига Бекобод, Олмалик, Ангрэн, Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Кўйи Чирчиқ, Чиноз, Бўқа, Тошкент, Зангиота ва Паркент туманларида 15та спорт иншооти барпо этилиб, ёш спортчилар ихтиёрига топширилди.

● Қарши шаҳрида ўтказилган «Умид ниҳоллари-2006» спорт мусобақаларининг республика босқичида вилоят мактаб ўқувчилари 6та олтин, 1та кумуш, 6та бронза медалини кўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 1-ўринга муносиб, деб топилди.

● 2008 йили Қирғизистон Республикасида юнон-рум кураши бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирда вилоят терма жамоаси 3та олтин, 1та бронза медалга эга бўлди.

● Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари-2009» спорт мусоба-

## Олий таълим



2005 йилда институтда «Ўзбекистон тарихи» ва «Фольклоршунослик» йўналишлари бўйича аспирантура очилди.

● Агар 1991 йилдан 2006 йилгача институтда 14та фан номзодлиги ва 1та фан докторлиги диссертациялари ёқланган бўлса, 2006 йилдан 2010 йилгача 2 киши фан докторлигини ва 22 киши фан номзодлигини ҳимоя қилиши натижасида муассасанинг ўртача илмий салоҳияти 25 фоизга ошди.

● 2009 йилда институт профессор-ўқитувчиларидан 6 нафари «Таълим секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Германия мамлакатидида малака ошириб қайтди.

● Муассасада республика ва халқаро турнирларда голибликни кўлга киритган 32 нафар чемпион ва 37 нафар спорт устаси таҳсил олади.

● «Универсиада-2010» мусобақаларида институт талабаси Алия Исмоилова стол тенниси бўйича мутлақ чемпион бўлди.

● 2010 йилда институт талабаси Мафтуна Ҳасанова Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

● Институт ахборот-ресурс марказига 100та замонавий компьютер ўрнатилиб, интернет тармоғига уланган.

умумтаълим мактабларининг 31та дарслиги тожик ва қозоқ тилларига таржима қилинди, 5та дарслик Халқ таълими вазирлиги томонидан нашрга тавсия этилди.

● 2005 йилда институтда «Ўзбекистон тарихи» ва «Фольклоршунослик» йўналишлари бўйича аспирантура очилди.

● Агар 1991 йилдан 2006 йилгача институтда 14та фан номзодлиги ва 1та фан докторлиги диссертациялари ёқланган бўлса, 2006 йилдан 2010 йилгача 2 киши фан докторлигини ва 22 киши фан номзодлигини ҳимоя қилиши натижасида муассасанинг ўртача илмий салоҳияти 25 фоизга ошди.

● 2009 йилда институт профессор-ўқитувчиларидан 6 нафари «Таълим секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида Германия мамлакатидида малака ошириб қайтди.


● Муассасада республика ва халқаро турнирларда голибликни кўлга киритган 32 нафар чемпион ва 37 нафар спорт устаси таҳсил олади.

● «Универсиада-2010» мусобақаларида институт талабаси Алия Исмоилова стол тенниси бўйича мутлақ чемпион бўлди.

● 2010 йилда институт талабаси Мафтуна Ҳасанова Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

● Институт ахборот-ресурс марказига 100та замонавий компьютер ўрнатилиб, интернет тармоғига уланган.

## Болалар спорти



қаларида вилоят жамоаси 10та олтин, 7та кумуш, 10та бронза медали билан тақдирланиб, стол тенниси бўйича шоҳсупанинг биринчи, энгил атлетика бўйича иккинчи, шахмат бўйича учинчи ўриндан жой эгаллади.

● Шу йилнинг 15-25 июнь кунлари Иорданияда 1991-93 йилларда туғилган ўсмир-ёшлар ўртасида ўтказилган мусобақада Бўстонлиқ туманидаги 11-умумтаълим мактаби ўқувчиси Азиз Жўраев огир атлетика бўйича 3-ўринни эгаллаб қайтди.

● Жорий йилнинг 19-25 июль кунлари Алматы шаҳрида бўлиб ўтган Евроосиё чемпионатида Олмалиқ шаҳридаги 20-мактаб ўқувчиларидан бир гуруҳи таэквандо бўйича голиблик шоҳсупасига кўтарилиб, 5та олтин, 4та кумуш медали билан тақдирланди.

## 2010

**Вилоятдаги жами мактаблар сони** — 888та.  
Шундан:  
янгидан қурилганлари — 43та;  
капитал реконструкция қилинганлари — 310та;  
капитал таъмирланганлари — 355та;  
жорий таъмирланганлари — 84та.

**Мактабларнинг моддий-техник базаси:**  
дарсликлар таъминоти — 98,6 фоиз;  
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 74 фоиз;  
компьютер технологиялари билан таъминланганлиги — 87 фоиз;  
мебель жиҳозлари билан таъминланганлиги — 95 фоиз.

**Вилоят болалар спорти объектлари:**  
спорт залига эга мактаблар сони — 667та;  
болалар спорти объектлари сони — 12та;  
болалар спорти объектларининг спорт жиҳозлари ва ускуналари билан таъминланганлиги — 88 фоиз;  
ёшларнинг оммавий спортга қамраб олинганлиги — 36,6 фоиз.

**Вилоятдаги мусиқа ва санъат мактаблари сони** — 33та.  
Шундан:  
замонавий типдаги — 8та;  
мослаштирилганлари — 22та  
(2010—2014 йиллар давомида мавжуд мактаб бинолари янги қурилиш ҳамда капитал реконструкциялаш натижасида янгилади);  
капитал реконструкция қилинаётганлари — 3та.

**Вилоятдаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари) сони** — 125та.  
Шундан:  
замонавий типдаги — 119та;  
мослаштирилганлари — 2та;  
Академик лицейлар — 6та.  
Касб-хунар коллежлари — 116та.

**Ўрта махсус, касб хунар таълими муассасалари моддий-техник базаси:**  
ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 80 фоиз;  
компьютер ҳамда ахборот технологиялари билан таъминланганлиги — 65 фоиз;  
мавжуд техника воситалари сони — 638та.

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг кадрлар билан таъминланганлиги:**  
педагоглар ва муҳандис-педагоглар умумий сони — 7952 нафар.  
Шундан:  
фан докторлари — 2 нафар;  
фан номзодлари — 78 нафар;  
олий маълумотли ўқитувчилар — 6898 нафар.

Ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича мутахассисликлар умумий сони — 125та.  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларига қамраб олинган ўқувчилар умумий сони — 48853 нафар.

**Вилоятдаги олий таълим муассасалари сони** — 2та.  
Шундан:  
университетлар — 1та;  
институтлар — 1та.  
ОУЮларининг ўқув-лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлиги — 89 фоиз.  
Компьютер билан таъминланганлиги — 66,5 фоиз.

**Профессор-ўқитувчилар** — 580 нафар.  
Шундан:  
фан докторлари — 43 нафар;  
фан номзодлари — 197 нафар;  
Мутахассисликларнинг умумий сони — 43та.

**«ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ МУАЛЛИФИ — 2010»  
РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА КЕЛИБ ТУШГАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИНГ  
Р Ў Й Х А Т И**

Т/Р	Муаллиф(лар)нинг Ф. И. Ш.	Дарслик, ўқув қўлланма ёки ўқув адабиётининг номи	Нашр этилган йили, нашриёт номи	Ўқув адабиётини тақдим этган муассаса номи
1.	Р.Сайфуллаева, Б.Менглиев	Замонавий ўзбек тили (Морфология 1-жилд)	Тошкент-2008 й. "Мумтоз сўз"	ЎзМУ
2.	Н.Раҳмонов, Қ.Содиқов	Ўзбек тили тарихи	Тошкент-2009 й. "Ўз.фай.мил.жам."	ЎзМУ
3.	И.Алқаров, Р.Маматкулова, Х.Норкулов	Оила тарбияси асослари	Тошкент-2009 й. "F.Фулум"	ЎзМУ
4.	А.Абдушукуров	Статистика непольх наблюдений: аксимпатическая теория оценивания для неклассических моделей	Тошкент-2009 й. "Университет"	ЎзМУ
5.	А.Рафиев, Н.Махмудов, И.Йулдошев	Давлат тилида иш юритиш (рус тилида)	Тошкент-2008 й. "Чўлпон"	ЎзМУ
6.	Х.Ақбаров	Кино-телережиссура монтаж	Тошкент-2007 й. "Илм зиё"	ЎзМУ
7.	Б.Дўстқороев	Ўзбекистон журналистикаси тарихи (1-қисм)	Тошкент-2009 й. "F.Фулум"	ЎзДЖТУ
8.	М.Ирискулов	Тилшуносликка кириш	Тошкент-2009 й. "Янги аср авлоди"	ЎзДЖТУ
9.	Л.Абдушукурова, И.Каримов	Француз тили (3-қисм)	Тошкент-2009 й. "SHAMS ASA"	ЎзДЖТУ
10.	Л.Аҳмедова, О.Кон	Методика преподавания литературы	Тошкент-2009 й. "Ўз.фай.мил.жам."	ЎзДЖТУ
11.	О.Мўминов, Х.Абдураҳмонова, С.Тоҳиржонова, Ш.Бўтаев	Инглиз тили (2-қисм)	Тошкент-2009 й. "F.Фулум"	ЎзДЖТУ
12.	З.Гаппаров	Спорт психологияси	Тошкент-2009 й. "Мехридарё"	ЎзДЖТИ
13.	Т.Қозоқбоев	Журналистика асослари	Тошкент-2007 й. "Муסיқа"	ЎзДСИ
14.	К.Аҳмаджонов, И.Якубов	Аудит асослари	Тошкент-2009 й. "Иқтисод-молия"	ТДИУ
15.	М.Алиева	Меҳмонхона менежменти	Тошкент-2009 й. "ТДИУ босмаҳонаси"	ТДИУ
16.	Б.Ходиев, А.Бекмуродов, У.Фофуров, Б.Тўхлиев	Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асарини ўрганиш бўйича қўлланма	Тошкент-2009 й. "Иқтисодиёт"	ТДИУ
17.	И.Жалилова, Р.Турсунов	Бизнес стратегияси	Тошкент-2009 й. "ТДИУ босмаҳонаси"	ТДИУ
18.	М.Остонакулов	Бюджет ташкилотларида бухгалтерия қисоби	Тошкент-2009 й. "Иқтисод-молия"	ТДИУ
19.	А.Бекмуродов, Р.Турсунов	Халқаро бизнес	Тошкент-2009 й. "ТДИУ босмаҳонаси"	ТДИУ
20.	А.Алиев	Ташқи иқтисодий фаолиятни давлат томонидан тартибга солиш	Тошкент-2007 й. "Ўз.фай.мил.жам."	ТДИУ
21.	И.Саифназаров, Б.Қосимов, А.Мухторов, Г.Никитченко	Фаннинг фалсафий масалалари	Тошкент-2007 й. "Фан ва технология"	ТДИУ
22.	Ш.Муродов, Л.Ҳақимов, А.Холмурзаев	Чизма геометрия	Тошкент-2008 й. "Иқтисод-молия"	ТДПУ
23.	И.Сатторов	Астрофизика (1-қисм)	Тошкент-2009 й. "Таълим"	ТДПУ
24.	М.Мамадазимов	Космонавтика асослари	Тошкент-2009 й. "Ворис"	ТДПУ
25.	М.Мамадазимов	Умумий астрономия	Тошкент-2008 й. "Янги аср авлоди"	ТДПУ
26.	Д.Бобоева	Нутқ ўстириш методикаси (теварак-атрофни ўрганиш материаллари асосида)	Тошкент-2009 й. "Фан ва технология"	ТДПУ
27.	Э.Расулов, У.Бегимкулов	Квант физикаси (2-қисм)	Тошкент-2009 й. "Фан ва технология"	ТДПУ
28.	М.Ҳамидова, М.Аюпова	Мактабгача тарбия махсус методикаси	Тошкент-2009 й. "Ўз.фай.мил.жам."	ТДПУ
29.	Х.Жамолхонов	Ўзбек тилининг назарий фонетикаси	Тошкент-2009 й. "Фан"	ТДПУ
30.	Қ.Назаров, М.Қуронова, А.Очилдиев, А.Холбеков, М.Лафасов, А.Эркаев, Л.Аҳмедова, С.Ўтамуродов, С.Мамашокиров, Н.Қувватов, Ф.Мусаев, З.Каримов, Б.Орифжўжаев, И.Эргашев	Миллий истиқлол гоёси	Тошкент-2009 й. "Ўз.фай.мил.жам."	ТДПУ
31.	А.Тригулова	Хорижий муסיқа адабиёти	Тошкент-2009 й. "Илм зиё"	ТДПУ
32.	Ў.Қурбонова, Н.Зикриллаев, Б.Раҳмонов, А.Хонбобоев	Радиоматериаллар ва радиокомпонентлар	Тошкент-2009 й. "ТДТУ босмаҳонаси"	ТДТУ
33.	Р.Сайдахмедов, Э.Умаров	Авиация материаллари	Тошкент-2007 й. "Чўлпон"	ТДТУ
34.	М.Зупаров	Радиоэшиштириш	Тошкент-2008 й. "Янгибод матбаа"	ТАТУ
35.	Т.Отақўзиев, Қ.Ахмеров, С.Туробжонов	Умумий кимёвий технология	Тошкент-2009 й. "Фан"	ТКТИ
36.	Х.Рустамов, Б.Ҳасанов, Ш.Нуруллаев	Физикавий кимёдан масалалар тўплами	Тошкент-2009 й. "Таълим"	ТКТИ
37.	Ғ.Раҳмонбердиев, М.Пиримкулов, Ю.Тошпўлатов	Қоғоз технологиясининг асослари	Тошкент-2009 й. "Алоқачи"	ТКТИ
38.	Д.Тожибоева, А.Йўлдошев	Махсус фанларни ўқитиш методикаси	Тошкент-2009 й. "Алоқачи"	ТМИ
39.	А.Ваҳобов, А.Жўраев	Солиқлар ва солиққа тортиш	Тошкент-2009 й. "Шарқ"	ТМИ
40.	Т.Шоқиев, Э.Сағдуллаева, Б.Файзиев	Молиявий ва бошқарув таҳлили	Тошкент-2008 й. "Иқтисод-молия"	ТМИ
41.	Т.Маликов, Н.Ҳайдаров	Молия: умумдавлат молияси	Тошкент-2009 й. "Иқтисод-молия"	ТМИ
42.	Ё.Абдуллаев, Т.Қоралиев, Ш.Тошмуродов, С.Абдуллаева	Банк иши	Тошкент-2009 й. "Иқтисод-молия"	ТМИ
43.	Т.Сатторов	Инглиз тили (хуқуқшунослик йўналиши талабалари учун)	Тошкент-2009 й. "ТДЮИ босмаҳонаси"	ТДЮИ
44.	Ш.Юлдашева, Н.Акаева	Оила хуқуқи	Тошкент-2009 й. "Ўз.фай.мил.жам."	ТДЮИ
45.	В.Урманов, К.Сидикназаров	Безопасность жизнедеятельности	Тошкент-2009 й. "ТАЙИ"	ТАЙИ
46.	Қ.Сидикназаров, М.Мусаёнов, К.Насретдинов, Г.Саматов, Н.Мўминжонов, Т.Қодиршов, А.Тожибоев, А.Алиходжаев, А.Турғунов, Ш.Мағдиев, Н.Кузнецов	Сервисное обслуживание автомобилей скорой и экстренной медицинской помощи «Hyundai H-1 ambulance» автохозяств Министерства Здравоохранения Республики Узбекистан (для руководящего состава)	Тошкент-2009 й. "Ворис"	ТАЙИ
47.	Қ.Сидикназаров, М.Мусаёнов, Н.Мўминжонов, Т.Қодиршов, А.Тожибоев, А.Алиходжаев, Ш.Мағдиев	Сервисное обслуживание автомобилей скорой и экстренной медицинской помощи «Hyundai H-1 ambulance» автохозяств Министерства Здравоохранения Республики Узбекистан (для специалистов, механиков и мастеров)	Тошкент-2009 й. "Ворис"	ТАЙИ
48.	Л.Амзаев, Қ.Жуманиёзов, С.Матисмоилов	Тадқиқот илмий асослари ва технологик жараёнларни муқобиллаш	Тошкент-2008 й. "ТТЕСИ"	ТТЕСИ
49.	А.Қудратов	Саноат вентиляцияси	Тошкент-2009 й. "Чўлпон"	ТТЕСИ
50.	Х.Бобохонова	Босишгача бўлган жараён ускуналари	Тошкент-2008 й. "Алоқачи"	ТТЕСИ
51.	М.Камилова, Н.Ражапова, М.Зокирова	Рус тили	Тошкент-2009 й. "Фан"	ТТЙМИ
52.	Ё.Раҳмонова	Педагогика назарияси ва педагогик технология асослари	Тошкент-2009 й. "Янги аср авлоди"	ТТА
53.	А.Искандаров, Д.Қулдашев	Суд тиббиёти (лотин ва кирилл алифбосида)	Тошкент-2009 й. "MERIYUS"	ТПТИ
54.	Э.Хусанова, А.Аҳмедова, Ж.Набиева	Одам анатомияси (инглиз тилида)	Тошкент-2009 й.	ТПТИ
55.	А.Искандаров, Д.Қулдашев, Б.Ешмуратов, С.Горюнова	Шифокор фаолиятининг хуқуқий асослари (рус тилида)	Тошкент-2008 й. "Фан ва технология"	ТПТИ
56.	Д.Маманазарова, Г.Тулабаева, Р.Турсункулова	Приобретенные пороки сердца, развившиеся на фоне острой ревматической лихорадки	Тошкент-2009 й. "ТПТИ босмаҳонаси"	ТПТИ
57.	А.Ҳамроев, А.Алимов, Т.Аъзамжўжаев	Хирургия ва реанимация асослари	Тошкент-2008 й. "Ўз.фай.мил.жам."	ТПТИ
58.	Л.Икромов, М.Тожиев, Х.Зайнутдинов	Токсикологик кимёдан практикум	Тошкент-2008 й. "Янги аср авлоди"	ТФИ
59.	А.Даулетов, М.Даулетов, М.Қудайбергенов	Ҳозирги қорақалпоқ адабий тили (синтаксис)	Нукус-2009 й. "Билим"	ҚҚДУ
60.	Ш.Аюпов, М.Ибрагимов, К.Қудайбергенов	Функционал анализдан мисол ва масалалар	Нукус-2009 й. "Билим"	ҚҚДУ
61.	Э.Жумаев	Бошланғич математика назарияси ва методикаси	Тошкент-2009 й. "Турон-икбол"	ТерДУ
62.	Ғ.Ғаймназаров, С.Қосимов, О.Ғаймназаров	Иқтисодиётда математика	Тошкент-2008 й. "Фан ва технология"	ГулДУ
63.	Ў.Рўзибоева	Ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этиш (ХУМ)	Гулистон-2009 й. "ГулДУ босмаҳонаси"	ГулДУ
64.	А.Нурмонов	Структур тилшунослик: илдизлари ва йўналишлари	Тошкент-2009 й. "Таълим"	АндДУ
65.	О.Якубжонов, С.Турсунов, З.Муқимов	Дончилик	Тошкент-2009 й. "Янги аср авлоди"	АндҚХИ

## «ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ДАРСЛИГИ ВА ЎҚУВ АДАБИЁТИ МУАЛЛИФИ — 2010» РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИГА КЕЛИБ ТУШГАН ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИНГ Р Ў Й Х А Т И

Т/Р	Муаллиф(лар)нинг Ф. И. Ш.	Дарслик, ўқув қўлланма ёки ўқув адабиётининг номи	Нашр этилган йили, нашриёт номи	Ўқув адабиётини тақдир этган муассаса номи
66.	О.Ёриев, М.Шарипов, Х.Мавлонов, А.Ҳафизов	Умумий ва ноорганик масала ва машқлар тўплами	Тошкент-2008 й. "Ўз.фай.мил.жам."	БухДУ
67.	Х.Мавлонов	Аналитик кимё схема ва жадвалларда (маълумотнома)	Бухоро-2009 "БухДУ босмаҳонаси"	БухДУ
68.	Х.Мавлонов	Аналитик кимёдан масалалар тўплами	Бухоро-2009 "БухДУ босмаҳонаси"	БухДУ
69.	Р.Шоймардонов	Органик кимё (2-қисм)	Тошкент-2008 й. "Янгийул полиграф сервис"	БухДУ
70.	А.Файзиев	Ўсимликлар систематикасидан амалий машғулотлар	Бухоро-2009 й. "Зиё Ризораф"	БухДУ
71.	Ҳ.Ҳамроев	Тадбиркорлик асослари	Бухоро-2009й. "БухДУ босмаҳонаси"	БухДУ
72.	Ж.Ёдгоров, Т.Собиров, Н.Ёдгоров	Геометрик ва проекцион чизмачилик	Тошкент-2008 й. "Янги аср авлоди"	БухДУ
73.	С.Фозилов, Б.Мавлонов, Б.Ҳамидов, С.Файбуллаев, Қ.Жумаев	Нефть ва газ маҳсулотларининг физик-кимёвий таҳлили	Бухоро-2009 й. "Бухоро"	БООЕСТИ
74.	Қ.Жумаев, С.Файбуллаев, С.Фозилов, Р.Ҳайитов, М.Нуриллаев	Нефть ва газни қайта ишлаш корхоналари жиҳоз ва қурилмалари	Тошкент-2009 й. "Ўзбекистон"	БООЕСТИ
75.	М.Васиев	Нон маҳсулотлари технологияси	Тошкент-2009 й. "Янги аср авлоди"	БООЕСТИ
76.	Қ.Олимов, Б.Мирзахмедов, А.Ғаффаров, Ҳ.Саидов	Мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси	Тошкент-2009 й. "Фан"	БООЕСТИ
77.	Т.Шомуродов, К.Ғафуров, Ғ.Бафоев	Қандолат, нон-булка ва макарон маҳсулотлари ишлаб чиқариш технологик жиҳозларини таъмирлаш ва ўрнатиш	Тошкент-2007 й. "Шарқ"	БООЕСТИ
78.	Ш.Раззоқов, Ш.Йўлдошев, У.Ибрагимов	Компьютер графикаси	Тошкент-2008 й. "Талқин"	БООЕСТИ
79.	О.Эшов	Анестезиология ва реаниматология	Тошкент-2009 й. "Ворис"	БухДТИ
80.	М.Бакиев, И.Маждов, Б.Носиров, Р.Ҳўжакулов, М.Раҳматов	Гидротехника иншоотлари (2-жилд)	Тошкент-2009 й. "Таълим"	ҚарМИИ
81.	А.Ҳасанов, Қ.Санакулов, А.Юсупходжаев	Рангли металллар металлургияси	Тошкент-2009 й. "Фан"	НавДКИ
82.	Б.Избосаров, И.Камолов	Механика	Тошкент-2009 й. "Лидер-ПРЕСС"	НавДПИ
83.	Г.Шамсидинова, Д.Каримова	Кимёвий экология	Тошкент-2008 й. "Ворис"	НавДПИ
84.	Х.Салимов	Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш бўйича атама ва тушунчаларнинг изоҳли лугати	Тошкент-2009 й. "Фан ва технология"	НавДПИ
85.	Ю.Оппоқов, Н.Турғунов, И.Ғаффаров	Оддий дифференциал тенгламалардан мисол ва масалалар тўплами	Тошкент-2009 й. "Ворис"	НамМПИ
86.	К.Исмоилов	Эластик-пластик қобиклар	Тошкент-2008 й. "Чўлпон"	СамДАҚИ
87.	Т.Остонакулов, В.Зуев, О.Қодирхўжаев	Сабзавотчилик	Самарқанд-2008 й. "Н.Доба"	СамқХИ
88.	И.Ҳамдамов, З.Бобомуродов, Э.Ҳамдамова	Экология	Тошкент-2009 й. "Фан ва технология"	СамқХИ
89.	Т.Қудратов, О.Қудратова, Н.Файзиева, И.Қудратова	Қишлоқ хўжалик корхоналари фаолиятининг таҳлили	Самарқанд-2008 й. "Н.Доба"	СамқХИ
90.	А.Ғаниев, А.Авлиқулов, Ғ.Алмардонов	Физика (1,2-қисм)	Тошкент-2009 й. "Ўқитувчи"	ҚарДУ академик лицейи
91.	Ж.Қулмухамедов, К.Назаров, Р.Ҳикматов, Ш.Шоисломов	Йўл ҳаракати қоидалари ва хавфсизлиги (йўл ҳаракати хавфсизлиги) ўзбек ва рус тилларида	Тошкент-2009 й. "Ф.Фулом"	Тошкент Автомобиль ва йўллар КХК
92.	М.Болиев	Лотин тили ва тиббиёт терминологияси	Тошкент-2009 й. "Ўз.фай.мил.жам."	Сам. тиббиёт коллежи
93.	Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, А.Собиров, Д.Набиева	Она тили 6-синф	Тошкент-2009 й. "Тасвир"	РТМ
94.	Д.Айтбоев, Ғ.Айтбоева, М.Темирбаева	Қозоқ тили 7-синф	Тошкент-2009 й. "Шарқ"	РТМ
95.	Т.Чориев	Забони модари 3-синф	Тошкент-2009 й. "Ўзбекистон"	РТМ
96.	О.Иброҳимов	Музыка 4-синф	Тошкент-2009 й. "Ф.Фулом"	РТМ
97.	П.Фуломов, Ш.Мирзахатова	Атрофимиздаги олам 2-синф	Тошкент-2008 й. "Чўлпон"	РТМ
98.	А.Саъдуллаев, В.Костецкий	Тарих 6-синф	Тошкент-2009 й. "Янгийул полиграф сервис"	РТМ
99.	Ш.Алимов, О.Холмухамедов, М.Мирзааҳмедов	Алгебра 7-синф	Тошкент-2009 й. "Ўқитувчи"	РТМ
100.	А.Салоҳиддинов, А.Ақбаров, А.Орифжонов, И.Аҳмедхўжаева, Х.Валиев	Сувдан фойдаланиш асослари	Тошкент-2008 й. "ТИМИ босмаҳонаси"	ТИМИ
101.	А.Корсун, Т.Худойбердиев, И.Аширбеков	Научные исследования в агроинженерии	Тошкент-2009 й. "Фан ва технология"	ТИМИ
102.	У.Каримов, Т.Худойбердиев, И.Мирзаев, И.Маърупов	Трактор ва автомобил даиғателлари назариясидан амалий машғулотлар	Тошкент-2009 й. "Фан ва технология"	ТИМИ

Санкт-Петербург шаҳридан яқинда профессор Патхулла Исмагуллаевнинг Россия Метрология академиясининг фахрий аъзоси этиб сайланганлиги ҳақидаги келган хат нафақат домланинг оиласини, балки Тошкент кимё-технология институтини педагогик жамоасини ҳам қувонтириб юборди. У кишининг юқори илмий салоҳиятини белгилловчи бу ютуқ мамлакатимиз олимларига берил-

стандартларини замон талабларига мувофиқ такомиллаштириш, дарслик ва ўқув қўлланмалар сифатини яхшилаш борасида П.Исмагуллаев доимо фаоллик кўрсатди. Олим Германия, Греция, Голландия, Польша, Италия, Чехия, Словакия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда бўлиб, орттирган тажрибаларидан унумли фойдаланди.

### Fanimiz fidoyilari

ник конференцияда фаол иштирок этиб, долзарб мавзуларда маъруза қилиши соҳа ривожига муносиб улуш бўлиб қўшилди. Айниқса, 2007 йили "Маҳсулотнинг менежмент сифати — давр талаби" мавзусида ўтказилган илмий-амалий конференцияда ўз маърузаси билан иштирок этган олимнинг

## ҲАҚИҚИЙ ИЛМ ЭЪТИРОФИ

ган таъриф аслида. "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи", техника фанлари доктори, "Олий таълим аълочиси" бўлган Патхулла Исмагуллаев бутун умрини Ватанимизда кимё саноатини ривожлантиришга бағишлаб келмоқда. Кимёвий технология, унинг автоматикаси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини аниқлаш ҳамда назорат қилиш, ўлчаш қурилмаларини яратиш, уларни ўрганиб, ўқув жараёнига татбиқ этишга бағишланган тадқиқотлари орқали у кишини соҳа ходимлари яхши билади. Олим озик-овқат, агросаноат, метрология ва буларга турдош соҳаларни катта қизиқиш билан ўрганиб келмоқда. Олий таълим тизимини янада такомиллаштириш, янги педагогик технологиялардан кенг фойдаланиш, электрон дарсликлар яратиш ва улардан фойдаланиш, давлат таълим

Теран ақл-заковат соҳиби устоз ва моҳир педагог сифатидаги вазибаларига ҳам чин дилдан ёндашади. Фан номзодларидан 15 нафари у кишини ўзига устоз деб эътироф этади, 4 нафар фан докторининг тайёрланишига бош-қош бўлди. Олимнинг 200дан ортиқ мақоласида долзарб мавзулар кўтарилган. 50дан ортиқ патент ва муаллифлик гувоҳномаси олимнинг йирик кашфиётчи эканидан далолат беради. Пахта намлигини ўлчаш, моддалар концентрацияси сарфи, сатҳи, ҳарорати, босими ва шу каби бошқа кўрсаткичларини ўлчаш, буларни автоматлаштириш билан боғлиқ лойиҳалари муҳим аҳамиятга эгадир. Профессор П.Исмагуллаев ташкилотчилик салоҳиятини намойиш этаётганини кўпчилик яхши билади. Унинг метрология, технологик ўлчов ва асбоблар назорати бўйича уч маротаба илмий-тех-

мулоҳазалари, таклифлари илмий жамоатчиликка манзур бўлди. У "Стандарт", "Кимёвий технология, назорат ва бошқариш", "Кимё ва кимёвий технология" журналлари таҳрир хайъати аъзосидир. Ушбу нашрларни безаш, мазмунан бойитиш, обуначилар талаб-истакларига мувофиқ чоп этиш борасида таҳрир хайъати аъзосининг ўз фикри, баҳоси бор. Профессор П.Исмагуллаев дўстларига таянади, уларга ўзи ҳам мадад беради. Талаба, магистрант, аспирант ва докторантлар олимни ҳоли-жонига қўйишмайди, у кишидан кўпроқ ўргансак, дейишади, уларнинг ҳар бирида устозга нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиром бор. **Қудрат АҲМЕРОВ, Тошкент кимё-технология институтини профессори Хулқар ТҮЙМАНОВА, «Ma'rifat» мухбири**

## ЧИҚИНДИДАН — ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ

Андижон давлат университети психология факультети талабаси Отабек Мухторовнинг "Энг арзон ёқилги" мавзусидаги бизнес режаси ЎзЛиДеП вилоят кенгаши ҳамда фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг Андижон минтақавий ахборот-таҳлил маркази ташаббуси билан ўтказилган "Диплом билан бизнесга" лойи-

1020 даража иссиқлик энергияси беради. Бу электр, кўмир, ўтинга сарфланган маблағдан 240 сўм арзон тушади.

Отабекнинг изланишлари натижаларидан семинарда иштирок этаётган экспертларнинг ҳам кўнгли тўлди. У ўзи томонидан яратилган қурилма — чиқинди ёғни тозаловчи филтрани ҳам намойиш этди. Бундай қурилма ҳозирча Японияда, Россияда ишлаб чиқарилган, холос. Лекин улар соф кerosin билан ишлайди. Нархи эса қimmat. Отабекнинг қурилмаси эса атиги 100 минг сўмга тайёр бўлади. Ҳозир қурилмага патент олишга тайёргарлик кўрилмоқда.

— Мен анчадан буён энг арзон ёнилғи турини яратиш устида изланиб келардим, — дейди Отабек Мухторов. — Натижада техникада ишлатилиб, чиқинди сифатида ташлаб юбориладиган ёғмой материалларидан иссиқлик энергияси олишни йўлга қўйдим. Масалан, вилоятимиздаги автомобилсозлик ихтисослашган қўшма корхоналарда 20 тонна ана шундай чиқинди ёғлар фойдаланмасдан ташлаб юборилади. Агар ана шу ёғлардан иссиқлик энергияси яратиш учун фойдалансак, катта фойда келтиради. 1 литр чиқинди ёғ 3 соат давомида

Талабанинг ушбу қурилмаси ва энг арзон ёнилғи олиш учун ҳаракати шу жиҳатдан аҳамиятлики, мавжуд газ захираларини тежашга хизмат этади. Агар аҳоли хонадонини ва йирик корхоналарнинг қозонхоналарида иссиқлик энергияси олиш учун ташлаб юбориладиган чиқинди ёғлардан фойдаланилса жуда катта иқтисодий фойда кўриш мумкин. **МУХБИРИМИЗ**

Илмий манбаларда айтилишича, Улкан тўқнашув назариясига кўра, Ер сайёраси тахминан 15 миллиард йил илгари катта тезликда келиб бир-бирига урилган зарраларнинг тўқнашуви натижасида бирдан, ўта қалин материя шаклида вужудга келган.

Хўш, мазкур қараш қанчалик тўғри? Чиндан ҳам олам маълум бир зарраларнинг Улкан тўқнашуви натижасида пайдо бўлганми? Агар шундай бўлса, у ҳолда материя ҳозирги шакл ва кўринишга эга бўлиши даврида қандай жараёнлар юз берган? Уларда қандай зарралар иштирок этган? Шу ва шу каби кўплаб саволлар неча йиллардан бери ҳам назарийчи, ҳам амалиётчи физик олимларнинг фикру хаёлини банд этган. Бу борада XXI асрнинг энг йирик илмий лойиҳаларидан бири деб таърифланаётган Улкан адрон коллайдери ва унинг ишга туширилиши эса илм-фан дунёси, жумладан, борлиқнинг вужудга келиши борасидаги назариялар оламида чинакам инқилоб ясаши кутиляпти.


#### ҲАЖМ МУВАФФАҚИЯТНИ БЕЛГИЛАЙДИМИ?

Википедиа электрон энциклопедиясида келтирилишича, Улкан адрон коллайдери (УАК) зарядланган зарралар тезлаткичи ҳисобланиб, у протон ва оғир ионларнинг тўқнашуви, бунинг натижасида ҳосил бўладиган «маҳсулот»ларни ўрганиш мақсадида яратилган. Коллайдер Европа ядро тадқиқотлари кенгашининг илмий марказида, Женевадан унча узоқ бўлмаган ҳудудда, Швейцария ва Франция чегарасида жойлашган.

Таъкидлаш зарурки, УАК дунёдаги энг йирик тажриба қурилмаси ҳисобланади. Ускунанинг улкан деб таърифланишининг сабаби коллайдер ҳажми ниҳоятда катта: тезлаткич айлана шаклида бўлиб, узунлиги сalkam 27 километрни ташкил этадиган туннелдир. У ер сатҳига нисбатан бироз қияроқ ҳолда 100 метр чуқурликда жойлашган. Қурилмада протон зарралари оқимларини бир маромда тутиб туриш ва тўғри йўналтириш учун ўта ўтказувчан магнитлардан фойдаланилади, уларнинг умумий узунлиги 22 километрни ташкил этади. Адрон деган сифатнинг кўшилиши ускунада адронлар, яъни кварклардан ташкил топган зарралар ҳаракатини тезлаштириш билан боғлиқ. Коллайдер атамаси эса инглизча collide — тўқнашмоқ сўзидан олинган. Боиси бунда зарраларнинг алоҳида-алоҳида оқими ҳаракати қарама-қарши йўналишда катта тезликда ҳаракатлантирилиб, махсус нуқталарда тўқнаштирилади.

Маълумот сифатида келтириш жоизки, аввалига лойиҳа 5 миллион еврога яқин маблаг бюджети билан тасдиқланганди. Охириги ҳисоб-китобларга қараганда, Улкан адрон коллайдерининг етти йил давом этган қурилиш ишлари учун шу пайтга қадар 10 миллиард доллар сарфланган.

Шу ўринда савол туғилади: бундай йирик ҳажмдаги ўзига хос қурилманинг яратилиши чиндан ҳам давр талабимиди? Ахир, айни кунда дунёда бу каби бир неча зарралар тезлаткичлари фаолият кўрсатиб келаяпти-ку! Тўғри, улар ҳажман бироз кичикроқ, лекин энг катта УАКда ҳам ўша тахмин қилинаётган Улкан тўқнашувнинг сунъий равишда бир неча баробар кичиклаштирилган ҳолати ҳосил қилиниши кўзда тутилган-ку.



# УЛКАН АДРОН КОЛЛАЙДЕРИ

## БОРЛИҚНИНГ ЯРАЛИШИГА ОЙДИНЛИК КИРИТАДИМИ?

— Муаммо шундаки, маълум тажрибаларни ўтказиш учун бугунги зарядланган зарралар тезлаткичларида эришиб бўлмайдиган энергияни ҳосил қилиш зарур. УАК эса илгари амалга ошириш мумкин бўлмаган тажрибаларни йўлга қўйиш имконини бериш билан бирга сайёрамиз пайдо бўлиши билан боғлиқ назарияни тасдиқлаш ёки инкор этишга асос яратади, — дейди Тбилиси Изотоплар илмий-тадқиқот институтининг назарийчи физик олими Владимир Ковтун «Сайнс Нюз» порталига берган интервьюсида.


#### МАҚСАД — ЗАМИН ИБТИДОСИНИ ЎРГАНИШ

«Хай техноложие» нашри маълумотларига қараганда, Улкан адрон коллайдери лойиҳаси ғояси 1984 йили туғилиб, ўн йилдан сўнг у расмий равишда тасдиқланган. Йирик ҳажмдаги мазкур тезлаткични қуриш ишлари 2001 йили — ундан аввал ишга туширилган Катта электрон-позитрон коллайдери фаолияти яқунланган бошланган.

2008 йилга келиб коллайдерда илк синов тажрибалари бошлаб юборилди. Хусусан, ўша йили августда дастлабки текширувлар пайтида зарядланган зарралар оқимини УАКдаги айланалардан бирида уч километрдан ортиқ масофада ўтказишнинг урдасидан чиқилди. 10 сентябрда эса инсоният тарихидаги энг йирик тажриба ускунаси — коллайдер расмий равишда ишга туширилди, деб эълон қилинди. Бунда ҳаракатга келтирилган зарраларнинг оқими бутун қурилма ичида соат мили йўналиши ва унга қарши томон бўйлаб йўналтирилиб, ёруғлик тезлигида бир-бири билан тўқнаштирилди. Ушбу йирик ва ўта аҳамиятли лойиҳага элликдан ортиқ мамлакат олимлари жалб этилди.

Навбатдаги тажрибаларда оқимнинг айлана бўйича тинимсиз ҳаракатини ташкил этишга эришилди. Шу билан оқим ҳаракати борасидаги тажриба яқунланиб, олимлар бутун тизимни синовдан ўтказишни бошлади. Аммо бир неча кун ўтгач, бўлинмаларнинг бирида носозлик кузатилиб, УАК фаолияти тўхтатилди. Мутахассисларнинг аниқлашича, бунда суюқ гелий ёрдамидаги совутиш тизими қисмида туйнук ҳосил бўлиб, туннелга 6 тоннадан ортиқ суюқлик оқиб кирган. Натижада ҳарорат кескин равишда кўтарилган. Мазкур носозликларни бартараф этиш мақсадида тадқиқотчилар деярли 2009 йилнинг охиригача иш олиб боришди.

Шу тариха, 2009 йили ноябрь ойининг охиригача келиб, тезлаткичдаги техник «тўхташ»дан сўнг УАК яна ишга туширилди. Эътиборлиси, бунда олимлар шундай юқори кўрсаткичга эришдики, натижада УАК ўта совуқ (–271) ҳароратда зарраларни деярли ёруғлик тезлигида ҳаракатлантирган ҳаётдаги энг тезкор қурилмага айланган. Ундан олдин эса энг юқори кўрсаткичга АҚШнинг Энрико Ферми номидаги Миллий илмий-тадқиқот



#### Fan va dunyo

лабораториясидаги Тэватрон коллайдерида эришилганди. Мазкур қурилмада протонлар тўқнашуви энергияси 1,8 тераэлектронвольтга тенг бўлган (электронвольт атом ва квант физикасида қўлланиладиган ўлчов бирлиги).

Кейинги йили бирин-кетин ўтказилган бир қанча тажрибаларда протонларнинг энергиясини ундан-да юқори кўрсаткичга кўтаришга эришилди. Уларнинг энг охириги жорий йил 30 март кунини ўтказилиб, бунда 7 тераэлектронвольт (ТэВ)га тенг қувват қайд этилди. Шундан кейин коллайдер тажрибалари билан боғлиқ узоқ муддатли илмий ишлар тизими йўлга қўйилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, келгусида бу борадаги изланишлар қатор техник тадбирлар билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Бундай тартибда УАК 2011 йилнинг куз фаслигача ишлаши режалаштирилмоқда, унга қадар эса қурилманинг ярим қувват билан ишлаши кўзда тутилган.

— Келгуси йилда коллайдер фаолиятида «танаффус» қилиш режасида ҳеч қандай ноодатийлик йўқ, — деди лойиҳанинг етакчи тадқиқотчилардан бири Стив Майерс. — Бир ярим йил тўхтовсиз ишлагандан сўнг олдингидек носозликлар кузатилмаслиги учун қурилманинг барча ўзаро бириктирилган магнит қисмларини текшириш талаб этилади. Сабаби, айнан шундай қисмлардан бирида олдин носозликлар юзага келиб, қурилма фаолияти тўхтатилганди.

Олимнинг «Сайнс» журналидаги мақоласида ёзилишича, коллайдер 3,5 ГэВ тезликда ишлаб, қутилган рекорд натижага эришилган, навбатдаги босқичда ускуна қувватини икки баробар ошириш режалаштирила бошланди. Бу протонлар энергиясини 7 ТэВга ошириш деганидир. Тадқиқотчиларнинг мазкур кўрсаткичга эришгани эса том маънода илм-фан дунёсида тадқиқотлар ва кашфиётлар учун янги саҳифани очди.

Европа ядро тадқиқотлари кенгаши илмий маркази раҳбари Ральф Хойер мазкур ҳодисани «дунё илм-фанида янги давр ибтидоси», дея таърифлади. Аммо бунга осонликча эришилмади, чунки дастлабки иккита уриниш муваффақиятсиз кечди. Ниҳоят, кутилаётган натижа қайд этилган эса, махсус асбоблар ёрдамида зарур маълумотлар йиғилиб, таҳлил этила бошланди.

#### ИСТИҚБОЛЛИ РЕЖАЛАР...

Коллайдерда тадқиқот олиб бораётган мутахассислар келгусида фақат протонлар эмас, балки улар билан электронларнинг тўқнашувини ҳам режалаштираётганини маълум қилишди. Негаки, биринчи усулдан фарқли равишда, икки турдаги зарраларнинг бир-бири билан урилиши натижасида протон тузилишини нисбатан аниқроқ ва батафсилроқ ўрганиш мумкин бўлади. Шу билан бирга, УАКдаги тажрибаларнинг илк муҳим илмий натижаси «суперсимметрия» назариясининг амалда тасдиқланиши ёки инкор этилиши бўлиши кутилмоқда. Мазкур қарашга кўра, ҳар бир элементар заррача ўзининг нисбатан оғир жуфти ёки «суперзаррача»га эгадир.

Коллайдер туфайли ечим топилши кутилаётган масалалардан бири бу экзотик назарияларнинг қай даражада реал эканини текширишдир. Ушбу турдаги назариялар ҳақида сўз кетганда XX асрнинг охирида кўплаб олимлар томонидан илгари сурилган оламнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ қатор назарий қарашлар мажмуи тушунилади. Илмий тилда экзотик номининг берилиши сабаби шундаки, уларнинг аксарияти бир қарашда жуда ғайриоддийдек туюлади. Бунга кучли гравитация, кўп ўлчамли макон, Хиггс бозони мавжудлиги ва бошқа назариялар кирди. Уларнинг қай бири ҳаётий эканини аниқлаш учун ҳозиргача тажрибаларда тўпланган маълумот ва билимлар етарли эмаслигини олимлар таъкидлашган. Шундан улар УАКда қатор мақсадли тажрибалар ўтказиб, у ёки бу назарияга амалий далил топишга умид боғлашган. Қолаверса, олинган натижалар асосида назарийчи тадқиқотчилар илгари сурган қарашларнинг баъзилари асоссиз эканини амалда тасдиқлаши ҳам кутилмоқда.

Юқорида таъкидланганидек, УАК фаолиятдан кўзланган асосий мақсад оламнинг вужудга келишига сабаб бўлган Улкан тўқнашувнинг миниатюра шаклини сунъий равишда лаборатория шароитида ташкил этишдир. Бундан ташқари, материянинг нимадан ташкил топгани, хусусан, элементар зарралар массасини шакллантирувчи Хиггс бозони мавжудлигига амалий исбот топиш ҳам мақсад қилинган. Ушбу қарашнинг келиб чиқишига эса 1964 йили профессор Питер Хиггс томонидан илгари сурилган бозон заррачаларининг мавжудлиги тўғрисидаги илмий фараз асос бўлган. Олим ўшанда материя оғирлик ва шаклга эга бўлиши учун

бозон зарралари билан қопланган майдонга эга бўлиши керак, деган фикрни ўртага ташлаган.


Этиборлиси, элементар заррачалар мазкур майдон орқали ҳаракатланганда баъзиларига бозонлар ёпишади ва шу тариқа уларга ўз массасини ҳосил қилишга кўмаклашади. Аини пайтда зарраларнинг қолган қисми ҳеч қандай оғирликка эга бўлмай қолаверади. Хиггс бозони борлигини аниқлаш материянинг қай тарзда ўз оғирлигига эга бўлгани, соддароқ айтганда, Курраи замин қандай шаклланганини изохлаши нуқтаи назаридан муҳимдир. УАКдаги тажрибалар орқали бу қарашга ойдинлик киритиш мумкин. Шунингдек, ҳозирда маълум энг оғир фундаментал заррача — топ-кваркни чуқурроқ ўрганиш ҳам кўзда тутилган. Мутахассисларнинг айтишича, шу кунга қадар массаси катталиги туфайли топ-кварк фақат битта Ферми лабораториясида жойлашган Тэватрон коллайдер (тезлаткич)даги тажрибалар пайтида қайд этилган, бошқа бу турдаги қурилмаларда уни ҳосил қилиш учун энергия етарли бўлмаган. Физик олимлар томонидан топ-кваркларни ўрганишга бўлган бундай иштиёқнинг ўзига хос сабаби бор. Аниқроғи, топ-кварк орқали Хиггс бозонини кенг ва чуқур тадқиқ этишга имкон туғилади.

**ХАВОТИРЛАР ЎРИНЛИМИ?**

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Улкан адрон коллайдерига замонавий физика соҳасида катта аҳамият касб этувчи тажриба қурилмаси сифатида қаралади. Аммо унинг яратилиши давриданок мазкур йўналишда тажриба ўтказиш тарафдорлари ва уларга қарши томон ўртасидаги мунозара бир зум бўлса-да тўхтагани йўқ. Сабаби, тадқиқотчилар уларнинг ҳаракати замирида қатор илмий кашфиётлар ва изланишлар ётишини таъкидлаётган бўлса, қолганлар УАК тажрибалари туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавф тўғрисида таъкидлашдан чарчамаяпти. Бунда, хусусан, самода вужудга келиши мумкин бўлган ва Ер, ҳаттоки, бутун Кўёш тизимини ҳам ютиб кетадиган «қора туйнук»лар назарда тутилган. Тўғри, назарий жиҳатдан олиб қараганда тажриба пайтида ўта юқори энергияга эга зарраларни тўқнаштириш натижасида кичик «қора туйнук» ҳосил қилиш мумкинлигини олимлар инкор этишмаяпти. Аммо уларнинг турғунлиги муддати 10-17 сония бўлиб, улар катта хавф туғдириши мумкин эмаслиги далилланган.


Шунга қарамай, ҳар икки томон ҳам ўз нуқтаи назарини фақат назарий далиллар билан асосламоқда, бу қарашлар амалиётда ўз тасдиғини топганича йўқ. Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Улкан адрон коллайдери атрофидаги гап-сўзлар асосли ёки асоссиз экани ҳақида фикрлар тинмаётган бир пайтда тадқиқотчилар хавотирлар ўринсиз эканини тасдиқлаш мақсадида тажрибаларни бир маромда давом эттирмоқда. Уларнинг навбатдаги мақсади эса қурилмадаги зарраларнинг энергиясини 14 тераэлектронвольтга етказишдан иборат.

**Наргиза ИБРОҲИМОВА**



**РОБОТ ЖАРРОҲ БЎЛАДИ**

Океанортилик олимларнинг эйтироф этишича, яқин келажакда роботлар жарроҳларнинг бошқарувисиз ҳам мустақил равишда операцияларни амалга ошириши мумкин. Сўнгги тадқиқот пайтида мазкур «ақлли машина» инсоннинг зарарланган органини мутахассис ёрдамисиз аниқлаб, уни жарроҳлик усули билан даволай олишини намоён қилди. Бу ҳақда «sciencedaily.com» портали хабар берди.



Профессор Стивен Смит раҳбарлигида Дюк университети (Шимоллий Каролина) илмий ходимлари тажрибада робот қандай қилиб куркани операция қилганини кузатишган. Жараёнда ультратовушли ускунага уланган

манипулятордан фойдаланилган. Синов операцияси пайтида манипулятор ультратовуш ёрдамида тўқималарни сканерлайди ва зарарланганларини аниқлайди. Керакли маълумотлар олинган, робот барча зарур амалларни бажаришга киришади.

— Ушбу синовларга курка танланиши бежиз эмас, — деди профессор Смит.

Одатда тиббиёт тадқиқотларида курка устидан тажриба ўтказилиши сабаби шундаки, унинг тана тўқималари тузилиши инсонникига ўхшаш. Ҳозирча роботлар томонидан амалга оширилаётган жарроҳлик операцияларини мутахассислар қаттиқ назоратга олишган. Улар бажарилаётган барча амаллар билан биргаликда «темир шифокор»нинг ҳар бир ҳаракатини ҳам кузатиб боришади.

**АСАЛ СИРИ НИМАДА?**

Олимлар самарали антибиотик моддалар устидан тадқиқотлар олиб бориб, асал қай тариқа бактерияларга қарши курашишини аниқлашди. Амстердам (Голландия)даги Академик тиббиёт марказида ўтказилган мазкур изланиш натижасида арилар асал териш пайтида унга қўшадиган дефенсин-1 оксилени ишлаб чиқариши маълум бўлди. Ушбу моддадан тананинг куйган қисмларини даволашда, тери ва антибиотикларга чидамли инфекцияларга қарши янги дориларни ишлаб чиқаришда фойдаланиш мумкин. Мавзуга бағишланган мақола «Нейчэ» журналыда нашр этилди.



Биз асалнинг бактерияга қарши курашиш хусусиятининг молекуляр асосини тўлиқ ўрганишга муваффақ бўлдик, — дейди бу ҳақда марказнинг Тиббиёт микробиологияси бўлими илмий ходими Себастьян Заат.

Аслида мутахассислар асалнинг бактерияга қарши фаоллигини антибиотикларга чидамли бактерияларга нисбатан ўрганишган. Натижада, ҳашоратларнинг иммунитет тизимида кузатиладиган дефенсин-1 моддаси ҳосил қилиниб, у асалга арилар томонидан қўшилиши аниқланган. Этиборлиси, асалнинг бактерияларга қарши самарали восита бўлиши кўп жиҳатдан айнан шу моддага боғлиқ экан.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти раҳбарияти, касаба уюшмаси кўмитаси, институт илмий кенгаши аъзоси, Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи, техника фанлари номзоди, доцент **Ҳасан ИБРАГИМОВ**нинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

**ЁМҒИР СУВИ ХАВФСИЗ**

Австралиядаги Монаш университети ва Сув сифатини тадқиқ этиш ташкилоти илмий ходимлари ёмғир сувини тиббий таҳлилдан ўтказиб, унинг инсон соғлиғига ҳеч қандай зарари йўқлигини аниқлашди. Мавзуга бағишланган мақола «Нейчэ биосайнс» журналыда чоп этилди.



Изланиш учун Аделаида шаҳри танланди, боиси бу ерда мамлакат миқёсида олинганда ёмғир сувидан энг кўп фойдаланилади. Жараёнда мутахассислар 300 нафар кўнгилчиларни ёмғир сувини филтрлаш учун махсус асбоблар билан таъминлаган. Лекин жиҳозларнинг фақат ярми соз бўлиб, тажрибада иштирок этаётганлар бундан беҳабар эди. Тадқиқотчилар эса бир йил давомида ҳар икки гуруҳдаги қатнашчиларнинг соғлиғини мунтазам текшириб туришган. Яқинда филтрланмаган ёмғир сувини ичган аксарият одамларда ҳеч қандай касаллик аниқланмагани қайд этилди. Фақат бир нечта иштирокчида у даражада жиддий бўлмаган хасталиклар кузатилган.

Олимлар тадқиқот натижалари барча ҳолатлар учун қатъий деб олинмаса-да, умуман олганда, улар ёмғир сувининг инсон соғлиғига зарар етказмаслигини амалда кўрсатди. Шу сабабли, йirik shaharlarda бу турдаги сувдан ювиниш хоналарида фойдаланиш мумкинлиги фикри илгари сурилди. Шунингдек, экологларнинг фикрича, Австралия аҳолисини қурғоқчилик пайтида ёмғир сувидан фойдаланишга ўргатиш ҳам фойдадан холи бўлмайди.

**ТИШНИНГ ЯНГИЧА МУОЛАЖАСИ**

Зарарланган тишларни махсус модда (гель) билан тўлдириш орқали уларни даволаш усулини Франциядаги Соғлиқни сақлаш ва тиббий изланишлар миллий институти тадқиқотчилари жорий этишмоқчи. Бу ҳақда «Мембрана» манбасида эълон қилинди.

Мутахассислар томонидан тикловчи гель, деб номланган ушбу модда кариес (тишнинг емирилиши) касаллигидан ҳимоя қилмайди. Лекин у ковак ҳосил бўлган тиш ўрнини тўлдириши мумкин. Бунда ковак зарур миқдордаги модда билан қопланади ва бир ойдан сўнг тиш батамом тикланар экан. Олимларнинг таъкидлашича, бунга сабаб гель таркибидаги пептид гормонларидир. Уларнинг таъсирида тиш тўқималаридаги хужайралар кўпая бошлаб, мустақил равишда уни тиклайди. Энг муҳими, жараён ҳеч қандай ташқи иштирокларсиз, бошқача қилиб айтганда, шифокорнинг аралашувисиз кечади.



Ҳозирча синовлар кемирувчилар устидан ўтказилган. Тажрибада уларнинг ковак бўлган тишлари бир ой ичида соғлом тишлар каби ҳолатга келгани кузатилди. Тадқиқот муаллифлари келгусида бу каби гелнинг янги турдагисини ишлаб чиқариб, уни суяк тўқималарини тиклаш тажрибаларида синашни режалаштирмоқда.

**Н.РУСТАМБЕКОВА** тайёрлади.

«Ma'rifat»-«Учитель Узбекистана» газеталари таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Лилия Бинашевага онаси **Марям ОРАЗАЕВА**нинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

— Дада, пул беринг, — сўради Хуршид мактабга кетиш олдида.

— Кечагина етарлича пул бергандим-ку, ўғлим! Нима қилдинг шунча пулни, — ота ҳайрон бўлиб, чўнтагини кавлай кетди.

— Кеча ёзма иш ёзгандик, дафтар, ручка ва бошқа майда-чуйдаларга кетиб қолди, — қўшиб қўйди болакай уддабуронлик билан.

Пулни олган бола мамнун қиёфада мактабга кетди. Унинг хаёлини энди шу пулни қандай сарфлаш банд этгани эҳтимолдан холи эмас.

Шу ўринда бир нарса алоҳида таъкидлаб, яна бир бор ёдга солишни жоиз топди. Пул шундай нарсаки, яқинларни узоқлаштириши ёки бегоналарни яқин қилиб қўйиши, эзгу амалларга нарвон бўлиши ёки ёвуз мақсадларда фойдаланилиши ҳам мумкин. Бу — барчамизга аён ҳақиқат. Бугун биз бола ва пул муносабатлари тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Хўш, бола пул ҳақида нималарни билиши керак?

— Бола пулнинг қаердан, қандай меҳнат эвазига келаётганини англаши керак, — дейди педагог М. Валиева. — Оилага келиб тушаётган даромаднинг меҳнат ва машаққатлар самараси эканини билган, гувоҳи бўлган фарзанд уни қадрлашга, тўғри сарф қилишга ўрганади, деб ўйлайман.

\*\*\*

Яқинда ўн уч яшар синглим билан бозорга тушдик. Бир дўкондаги чиройли буюмни ушлаб, олиб беришимни илтимос қилиб қолди. Ахийри, ялинишдан наф йўқлигини билгач, бир нарсаларни санай кетди. Кейин сўрасам, у бир ҳафталик «тушум»ларини ҳисоб-китоб қилаётган экан. «Бир ҳафтада топар эканман!». Синглимнинг бу гапини эшитиб, қотиб қолдим. «Агар бир ҳафта дамдан озгина ортиқча пул олсам, кейин музқаймоқ емасам, ҳеч нарсага сарфламасам, ўша нарсани олишга пулим бўлади». Синглимнинг уддабуронли-

ги, ҳисоб-китобга лаёқати борлиги, чақонлиги мени хурсанд қилди. Лекин негандир унинг бу фикрларини маъқуллагим келмади. Тўғри, пулни иқтисод қилишга ўрганиши яхши, албатта. Аммо чўнтак пулни бизнинг руҳсатимизсиз бошқа эҳтиёжлар учун сарфлаши тўғри эмас, назаримда. Пулни дафтарга

Хар сафар аъло баҳолари, ўқишга қизиқиши ортиб бораётганидан қувониб, пул берадиган отанинг ичидан бир нима узилгандек бўлди: «Нahотки, ўғлим мен берадиган озгина пул учун ўқиётган бўлса?!».

Дарҳақиқат, рағбат барча учун бирдек зарур. У қайсидир маънода, раҳмат тарзидаги ширин сўз, ар-

бўлишини тушунтириш ва бу борада яхши натижаларга эришаётган инсонларни ўрнак қилиб кўрсатиш керак.

\*\*\*

Хаётимиз бир маромда ўтмайди. Оилада тўкин-сочинлик ёки етишмовчилик ҳукмрон бўлиши мумкин, шундай эмасми? Наримон

бундай даҳанаки жанжаллар, пул билан боғлиқ муаммолар муҳокамаси болалар руҳиятига салбий таъсир этмасмикан?

— Моддий қийинчиликлар билан боғлиқ муаммоларни болалар олдида ҳал қилмаслик лозим, — дейди психолог Наргиза Ғойибова. — Чунки улар ҳали бундай вазиятларга дуч келмагани ва муаммодан қутулиш йўлини билмагани учун ҳам тушкунликка тушиб қолиши мумкин. Бу унинг руҳиятига салбий таъсир ўтказмасдан қолмайди.

\*\*\*

Хулоса ўрнида юқорида келтирилган фикрларни умумлаштириб шундай дейиш мумкин. Биз катталар бола ва пул муносабатларида эътибор, меъёр ва эҳтиёткорликни унутмаслигимиз керак. Болага пулни тақиқлаш ёки керагидан ортиқ бериб қўйиш ярамайди. Тақиқ болани бошқа жойлардан пул излашга ўргатиши мумкин. Меъёридан ортиқ пул беравериш эса ўзингизга маълум, яхши натижаларга олиб келмайди. Ўртадаги мувозанатни ушлаб туришда ота-онадан ҳафсала ва талабчанлик талаб этилади. Болага эҳтиёжларини ҳисобга олиб пул бериш ва кейин, албатта, унинг қандай сарф қилаётганини назорат қилиш лозим. Ота-оналар пул беришни маъқул топмадим, фарзандига шунинг сабабини, бугун бўлмаса, эртага, албатта, тушунтириши ёки озгина сабр қилиши лозим эканини айтишдан асло эринмасликлари керак. Болаларча содда қилиб бор ҳақиқатни ётиги билан тушунтириш, суҳбатлашиш ва ўзининг баъзи муаммолари (фақатгина фарзандга айтиш мумкин бўлганлари!) билан ўртоқлашиш нафақат боланинг пулга бўлган муносабатини изга солади, балки ота-она ва фарзанд ўртасида дўстона муносабат ўрнатишга ҳам хизмат қилади.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,  
«Ma'rifat» муҳбири

## ПУЛ, ДАРОМАД ВА ХАРЖ

бола у ҳақда нималарни билиши керак?

деб олсаю, бошқа нарсага ишлатса...

Бунинг оқибатини тасаввур қилиб улгурмасимдан, бир танишим шу мавзуда гап айтиб қолди. Унинг айтишича, айрим талабалар сессия пайти домларга бераман, дея отонасини алдаб катта миқдорда пул олишаркану, уни шахсий эҳтиёжлари учун ишлатар экан. Оқибатда ким ёмон? Устозлар — ёмон. Тўғри, беш қўл баробар эмас. Аммо ёшларнинг бундай қилиши уйдан пул ўмариш билан тенг эмасмикан?

\*\*\*

Азиз синфдаги энг кўп аъло баҳо оладиган болалардан. У ҳар ҳафта кундалигидаги баҳоларни сарҳисоб қилишга одатланган. Чунки дадаси баҳолар сонига қараб пул билан мукофотлайди-да. Бугун ҳафтанинг охири бўлгани учун Азиз дадасининг олдига шошилди.

— Дада, қаранг, бу ҳафта ўнта беш олдим!

— Баракалла, ўғлим, — фахрланиб қўйди дадаси.

Отасининг моддий рағбатидан қувониб кетган Азиз болаларча айёрлик билан дадасига савол берди:

— Агар бир ойда юзта беш олсам, қанча пул бера-сиз?

зимаган меҳнатни юксак баҳолаш, эътибор, гамхўрлик. Баъзида моддий рағбат ҳам инсонларга таскин беради. Аммо болаларга-чи? Бунинг қандай ижобий ва салбий тарафлари бор?

— Фалонча баҳо олсанг, фалон сўм бераман, дейиш мақсадга мувофиқ эмас. Бу болага, албатта, салбий таъсир кўрсатади. Оқибатда бола худбин бўлиб қолиши, ҳамма нарсани пул билан ўлчашга, фақатгина моддий рағбат учун бирор иш қилишга одатланиши мумкин. Тўғри, болани меҳнатга ёки ўқишга ўргатиш учун баъзи шартлардан фойдаланиш яхши самара беради. Масалан, «Агар дарсларингни қилсанг, телевизор кўрасан», «Кийимларингни йигштириб қўйсанг, кўчага чиқишга руҳсат бераман» каби. Аммо, менимча, болаларга моддий рағбатнинг кераги йўқ. Бўлса ҳам, меъёрдан ошмаслиги лозим, — дейди педагог Н.Усмонова.

Бир гуруҳ педагог ва психологларнинг таъкидлашича, болани ўқишга қизиқтиришда моддий рағбатдан эмас, балки таъсирчан гаплардан фойдаланган маъқул экан. Яъни, болага ўқиш, илм олиш инсоннинг эртанги ҳаёти учун муҳим эканини, ўрганса ўзи учун яхши

акаларнинг уйда кунора чиқадиган жанжал ҳам айнан мана шу сабабдан эди. Тўғри, Шарофат опа эсли аёл. Аммо дугоналари, ўзи тенги аёлларнинг доимо тўкин-сочинликда ўтаётган ҳаётига қараб, эрининг кам пул топишидан нолиганини ўзи ҳам сезмай қолади. Икки фарзанди, уй-жойи, кўпчилик хавас қиладиган ширин турмуши бор. Лекин ҳамма нарсани пулга олиб келиб тақамаса эди...

Бугун ҳам у эрининг ишдан келишига бир дунё гап топиб қўйди.

— Одамларнинг эрига ўхшаб, уйга тузукрок пул топиб келмайсиз ҳам.

— Яна бошладингми? Нима қилишимни истайсан? — жаҳл билан сўради эри.

— Пул топинг, тузукрок пул олиб келинг! Менинг ҳам орзу-хавасларим бор ахир, — Шарофат опа ёнида жажжигина ўғли ўтирганини ҳам унутиб қўйиб йиғи аралаш ҳасратини тўқишга ўтди. — Мен ҳам чиройли кўйлақларни кийиб, данғиллама ҳовлиларда яшагим келади. Ана, гапдаги ўртоғим Саломат. Ҳар сафар ҳар хил қимматбаҳо кийимлар кийиб, тақинчоқлар тақиб келади. Эри яхши топяптида.

Кунора бўлиб турадиган

## НЕГА КИТОБ ЎҚИ(МА)ЙСИЗ?

Агар бехосдан кимдир охириги ўқиган китобингиз ҳақида сўраб қолса ва сиз эслай олмасангиз, демак, жуда кўп китоб ўқийсиз ёки умуман китоб ўқимайдиганлар тоифасига мансубсиз...

Агар китоб ўқиётган одамдан «Нега китоб ўқийсиз?» деб сўрасангиз, тайинли жавоб олишингиз қийин. Чунки китобга муҳаббат но-зик, таъбир жоиз бўлса, ўта шахсий масала. Менга қолса, китоб ўқиётган одамларни ўзини ҳаддан ортиқ яхши кўрувчи одамлар деган бўлардим. Сабаби, улар атрофдагиларнинг бўлар-бўлмас, кундалик маиший гапларига тоқат қилишдан кўра, инсониятнинг саралари билан гаплашишни афзал кўради. У жуда

яхши биладики, китоб мутулааси ақлли инсон билан суҳбатда бўлишнинг ўзгинаси. Агар китоб ҳақиқатан ҳам яхши китоб бўлса, нур устига.

Биздан катта авлод, яъни 50–60 ёшни қоралаб қўйган зиёлилар бир саволга жавоб тополмай бошлари қотган: ҳозирги ёшлар нега китоб ўқимай қўйди? Агар масалага кенгроқ ёндашадиган бўлсак, бугун бу савол бутун дунё зиёлиларини ҳам ўйлантириб қўйганини кўришимиз мумкин. Мисол учун, Россия ва АҚШда ўтказилган социологик тадқиқотлар натижасида россияликларнинг 37 фоизи, америкаликларнинг 43 фоизи умуман китоб ўқимай қўйгани маълум бўлган. Му-

тахассислар буни босма нашрлардан электрон нашрларга ўтиш жараёни, ТВнинг имкониятлари кенгайгани ва бу тезкор замонда вақт масаласининг муаммога айлангани билан изоҳлашмоқда. Юртимизда ҳам зиёлилар ва кенг жамоатчилик эътибори ушбу муаммога қаратилиб, жойларда турли хил тадбирлар, «Энг фаол китобхон» каби республика кўрик-танловлари, барча таълим муассасаларида «Китоблар тақдими» тадбирлари, китобхонлик кечалари, кўргазма ва ярмаркалар ташкил этилмоқда. Анъанавий кутубхоналар эса замонавий ахборот-ресурс марказларига айлантирилиб, керакли техникалар, ўқув қуроллари ва жиҳозлар билан таъ-

минланмоқда. Бундай тадбирлардан кўзланган мақсад битта — китобхонлар салмоғини ошириш.

Зеро, китоб ўқимай улғайган авлод интеллектуал салоҳияти паст бўлиши билан бир вақтда, ватанпарварлик туйғуларидан узоқроқ бўлади. Тор дунёқарашда қолиб кетган авлод тўғри қарор чиқара олмайди, уларни манипуляция қилиш(бўйсундириш) осон. Ҳар қандай мамлакат истиқболи эса кенг дунёқараш ва чуқур билимга эга бўлган, ватанпарвар авлоднинг камол топиши билан боғлиқ.

Нигора ИСМОИЛОВА,  
ЎзДЖТУ халқаро журналистика  
факультети талабаси

# ҲОЗИРЧА ҚУРАШЧИЛАРИМИЗ ФАЁЛ

Сингапурда ёшлар ўртасидаги I Ёзги Олимпиада ўйинлари аста-секин ўзининг қизгин палласига кириб бораётир. «Шерлар шахри»га ташриф буюрган иктидорли спортчилар аллақачон мусобақаларга киришиб, медаллар жамғаришга улгуришмоқда. Кувонарлиси шуки, уларнинг орасида ҳамюртларимизнинг номи ҳам қайд этилапти.



Дастлаб очилиш маросими ҳақида мухта-сар тўхталсак. Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида мамлакат президентидан сўнг сўзга чиққан Халқаро Олимпия қўмитаси президенти Жак Рогге «Биз янги тарих саҳифасини очяпмиз. Шу дақиқалардан бошлаб дунё ёшлари ўз Олимпиадасига эга бўлади», деди ва мазкур нуфузли биринчиликнинг аҳамияти ҳақида қисқача тўхталди.

Сингапурдаги мухташам спорт аренаси — «Марина-бэй»га ўрнатилган оловдон машъала ёрдамида қўр олдирилгач, олимпиада байроғи юқори кўтарилди ва очилиш маросимининг бадиий қисми бошланди. Юқори сифат ва дид билан безатилган майдонда сайёрамизнинг спортсевар аҳли ажойиб чиқишларнинг гувоҳига айланди. Айтиш мумкинки, мазкур саҳна кўринишларида жами 7 минг нафардан ортиқ қатнашчи (артист) иштирок этди.

Сингапур олимпиадасининг очилиш маросими ноодатий майдон устида ўтказилган ҳам томошабинларни лол қолдирди: Марина-бэй кўлтигида (Сингапурнинг қоқ маркази) сув устида сунъий майдон ҳосил қилинди ва мусаффо

суннинг шаффоф томчилари ҳамоҳанглигида дилбар тадбир кенг жамоатчилик ҳукмига аъло даражада ҳавола қилинди.

Очилиш маросимининг бадиий қисмида турли куй-қўшиқлар, сингапурликларнинг аъналарни акс этган, қадим тарихи қатламида яшаб умрбоқий маданиятга айланган ҳолатлар кичик спектакллар кўринишида саҳналаштирилди. Намойиш сўнгида олимпиада ўйинларида иштирок этувчи 204 мамлакат вакиллари саф саф бўлиб, ўз жамоаларини аренада жамулжам бўлган 27 минг нафар томошабинга таништирди.

Олимпиаданинг дастлабки кун икки нафар курашчимиз — Нурбек Ҳаққулов ҳамда Руслан Комилов ўзини кўрсатди. Юнон-рум гурашида ўз вазн тоифаларида рақибларига етарлича ташвиш туғдирган полвонларимиз умумжамоа газнасига дастлабки кумуш ва бронза медалларини туҳфа этди.

Ҳақиқий матонат ва шижоат беллашувига айланган 50 килограмм вазн тоифасидаги курашчилар баҳсларида Нурбекнинг финалга қадар етиб келгани диққатга сазовордир. Ўн ёшидан бошлаб юнон-рум кураши би-

## Yoshlar olimpiadasi

лан мунтазам равишда шуғулланиб келаётган талаба-спортчимиз ҳал қилувчи мусобақагача қирғизистонлик Шодибек Сулаймоновни 3:0, норвегиялик Паал Эрик Гундерсонни 4:0, жазоирлик Амин Боғхазийни 3:1 ҳисобида енгди. Фақатгина олтин медаль учун кечган мурасасиз жангда унга бироз омад етишмади ва кумуш медаль билан кифояланди.

Ундан сўнг майдонга чиққан таниқли полвонларимиздан бири юнон-рум кураши бўйича қитъа чемпиони Руслан Комилов 85 килограмм вазн тоифасидаги иштирокчилар орасида бронза медалга сазовор бўлди. Ёш умидли ватандошимиз Жанубий корейлик Жунг Хеонг Чойни 3:1, арманстонлик Варос Петросянни 3:0 ҳамда америкалик Лукас Шериданни 3:1 ҳисобида доғда қолдирди.

Ёдингизда бўлса, ушбу икки нафар вакилимиз пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида ўсмирлар ўртасида эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича ўтган Осиё саралаш мусобақасида зафар кучиб, Сингапур олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритганди. Уларнинг халқа-

ро майдондаги муваффақияти эса мазкур танлов адолатли тарзда амалга оширилганини исботлади.

Куни кеча яна бир таниқли ёш спортчимиз Нилуфар Гадоева ҳам бронза медали билан тақдирланди. Олимпиада тақвимида киритилган хотин-қизлар курашида Н.Гадоева 52 килограмм вазнда гиламга чиқди ва учинчи ўрин соҳибасига айланди. Нилуфар мусобақа мобайнида гуамлик Арианна Эстакуиони 4:0 ҳисобида енгди ва кутилмаганда озарбойжонлик Патимат Багомедовага 0:4 ҳисобида имкониятни бой берди. Шундан сўнг олтин медаль учун курашни тўхтатди ва шоҳсупанинг учинчи қаторига кўтарилди йўлида жазоирлик Сабина Аззоузни ҳамда вьетнамлик Тхи Кыонх Дием Нгуенни 4:0 ҳисобида енгди. Мазкур вазн тоифасидагилар баҳсида кумуш медал яна бир осие вакиласи — хитойлик Юань Юанга насиб қилди.

Бугун яна бир қатор ҳамюртларимиз ўз маҳорати ва имкониятини синовдан ўтказди. Уларнинг орасида Абубакир Расулов, Зиёвуддин Кутбиддинов, Ганна Пуставарова, Дмитрий Швецов, Юлдуз Кўчқорова, Эдуард Шаулов, Дилноза Абдусалимова, Настя Байкова сингари умидли ёшларимиз бор. Уларга дўстлик ва шижоат тантаналарида зафар ёр бўлишини тилаймиз.

Зоҳиджон ХОЛОВ

## Yoz-2010

Фарзанд камолида жисмоний тарбия сабоқларининг алоҳида аҳамияти бор. Шу нуқтаи назардан Халқ таълими вазирлигининг «Ёзги таътил даврида ўқувчи-ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ва «Ёз-2010» спорт мусобақаларини юқори савияда ўтказиш тўғрисида»ги махсус буйруғи эътиборлидир. Ушбу буйруқ ижроси юзасидан Навоий вилоятида бир қатор ишлар амалга оширилди.

— Масала юзасидан барча туман ва шаҳар ҳокимликларининг қарорлари чиқарилиб, ишчи гуруҳлар ташкил этилди, — дейди «Ёшлик» жисмоний тарбия ва спорт жамияти вилоят кенгаши раиси ўринбосари вазифасини бажарувчи Гулбахор Нуритдинова. — Бунда ҳудудлар миқёсида ўз вақтида чоратадбирлар лойиҳасини ишлаб чиқиш, барча мактабдан ташқари таълим муассасалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактабларининг тўлиқ ишлашини таъминлашга эътибор қаратилди. Мусобақаларни ўтказиш ҳамда тайёргарлик кўриш жараёнини самарали ташкил этиш учун керакли спорт анжомлари ва жиҳозлари ҳозирланди. Ўрнатилган тартибда жисмоний тарбия ўқитувчиларининг меҳнат таътилига навбат билан чиқишини режалаштириш ҳам йўлга қўйилди.

Шунингдек, «Ёз-2010» давомида айнан ёзги мавсум давомида оромгоҳларга жалб этилмаган

## ВУЖУД СОҒЛОМ — АҚЛ САЛОМАТ

ўқувчи-ёшларни жойлардаги болалар спорт мажмуаларида бўш вақтини унумли ўтказишга йўналтириш, улар ўртасида ҳаракатли ўйинларни мустақил ташкил этишга ундаш, зарурий билим-кўникмаларни шакллантириш ҳам мутахассислар диққатида бўлди. Натижада бугунга келиб, барча туман ва шаҳарларда мусобақаларнинг биринчи ва иккинчи босқич ўйинлари кураш, волейбол, баскетбол, мини-футбол, қўл тўпи, шахмат-шашка ва стол тенниси бўйича белгиланган режа асосида ташкил этилди. Илк босқич ўйинларида 32 576, навбатдагисида эса 13 625 нафар ёшлар иштирокига ҳам эътибор қаратилди.

Айни кунда Навоий шаҳри, Қизилтепа, Навбахор, Хатирчи, Кармана туманларидаги барча замонавий типда қад ростлаган спорт масканларида «Ёз-2010» баҳсларининг вилоят босқичи мусобақалари бўлиб ўтмоқда. Ташкилотчиларнинг таъкидлашича, бош мақсад «Вужуд соғлом — ақл саломат» нақли мазмун-моҳиятини ёшларга янада теранроқ англатиш, уларнинг жисмоний маданияти савиясини ошириш, иктидорли ёш спортчиларни кашф этиш ва уларни янги марралар сари илҳомлантиришдир.

Ойбуви ОЧИЛОВА,  
«Ma'rifat» мухбири



## МЮРРЕЙНИНГ ИЛК СОВРИНИ

Буюк британиялик таниқли теннисчи Энди Мюррей мазкур мавсумдаги дастлабки галабасига эришди. Торонто шаҳрида ўтказилган «Мастерс» туркумига кирувчи нуфузли турнирда швейцариялик машҳур спортчи Роже Федерерга қарши кортга тушди.



Дам олиш кун и мухлислар эътиборига ҳавола қилинган мазкур қизиқарли финал учрашуви икки соатдан узоқроқ вақт давом этди. Рақибини икки сетда ҳам бир хил ҳисобда доғда қолдиришнинг уйдасидан чиқа олган Мюррей таблода 7:5, 7:5

натижаларининг порлашини таъминлади.

Ушбу йирик зафар 23 ёшли ракетка устаси Энди фаолиятидаги 15-совриндир. Федерер эса жорий йилнинг ўзидаёқ тўртинчи марта финалчига айланди ва учинчи бора маглубият аламини тотиб кўрди. У фақатгина Австралия очик чемпионатидагина шоҳсупага кўтарилганди. Эслатиб ўтамиз, Торонтода кечган турнирнинг ютуқ жамғармаси 2,43 миллион долларни ташкил этди.

## О'НИЛ ҲАМОН ЭЪТИБОРДА

Американинг Миллий баскетбол ассоциацияси (МБА) клуби «Бостон Селтикс» раҳбарияти донгдор марказий ҳимоячилардан бири Шакил О'Нил билан шартнома имзолашга муваффақ бўлди, дея хабар тарқатди «АП».

Аммо бу хабарни ҳали икки томон ҳам тўлиқ тасдиқламади. «Бостон» клуби 38 ёшли Шакил О'Нилнинг ўз сафида кўришни истаётгани сир эмас. Айни дамда спортчи «Кливленд» шарафини ҳимоя қилади, ўтган мавсумни шу жамоа таркибида ўтказганди.



Айрим маълумотларга қараганда, аллақачон «нафақа»га чиқиш фурсати етган баскетболчи Европага қайтиши ва спортчилик фаолиятини яқунлаши ҳам мумкин. О'Нил ўз вақтида МБАнинг энг кучли ўйинчиларидан бири эди: тўрт бора чемпион деган номга сазовор бўлган. Собиқ клуби «Лос-Анжелес Лейкерс» таркибида уч марта зафар қўчган, ундан кейин «Майами»да омадли юришини давом эттирганди.

## ОЛМОНЧА «ДУБЛЬ»

Германиялик иктидорли спортчи Саша Кляйн сузиш бўйича ўтказилган Европа чемпионатининг энг мураккаб шартларидан бирида ишончли галабага эришди. У 10 метрлик нуқтадан сакраш баҳсида барча рақибларини ортда қолдирди.



Будапешт шаҳри мезбонлигида ўтган мазкур имтиҳонда Кляйн ўзини жуда ҳам яхши ҳис қилди ва ўз маҳоратини юзага чиқаришга эришди. Ҳал қилувчи муҳорабада у жами 534,85 очко

тўплаб, олтин медаль соҳибига айланди.

Иккинчи ўрин ҳам яна бир немис акробат сузувчисига насиб қилди: Патрик Хаусдинг 516,45 балл йиғиб, кумуш медалга эгалик қилди.

Финалга қадар етиб келиб, пировардида 515,80 очко жамғарган беларуслик Вадим Каптур эса кучли учликнинг охириги поғонасидан жой олди ҳамда умумжамоа газнасига бронза медални кўшиб қўйди.


## АНГЛИЯ ЯНА «ЖОНЛАНДИ»

Август ойининг ўртасига келиб, Англияда «Футбол карвони» яна йўлга тушди. Премьер лиганинг бир-бирдан шиддаткор ўйинларини соғиниб қолган мухлислар уч кун давом этган 1-тур учрашувларини ўзгача қизиқиш билан кузатишди.

Дастлабки турнинг энг катта ҳисоб қайд этилган учрашуви мамлакатнинг амалдаги чемпиони «Челси» ҳамда «Вест Бромвич» клублари ўртасида кечди. Лондонликлар ўз уйида ўтган баҳсда рақиб дарвозасини жавобсиз олти маротаба ишғол қилди (6:0). Турнинг марказий учрашуви деб номланган «Ливерпуль» ва «Арсенал» баҳсида 1:1 ҳисоби ёзиб қўйилди. Трансфер бозорида эътиборли «харид»ларни амалга оширган «Манчестер Сити» сафарда «Тоттенхэм» билан куч синашиб, жанговар дурангга эришди — 0:0. Шунингдек, «Астон Вилла» клуби «Вест Хэм»ни, «Манчестер Юнайтед» эса «Ньюкасл»ни 3:0 ҳисобида доғда қолдирди.

Қолган ўйинларда натижалар қуйидагича кўриниш олди: «Вулверхэмптон» — «Сток Сити» 2:1, «Сандерленд» — «Бирмингем» 2:2, «Болтон» — «Фулхэм» 0:0, «Блэкберн» — «Эвертон» 1:0 ҳамда «Уиган» — «Блэкпул» 0:4.












Нурбек Ҳаққулов курашяпти



Нилуфар Гадоева тақдирланди.



Сингапурда ёзги ёшлар олимпиадаси жиддийлик ва мурасасизлик борасида ҳақиқий олимпиада ўйинларидан қолишмаяпти. 204 мамлакат спортчилари орасида ватандошларимизнинг ҳам борлиги биз учун бениҳоя ифтихордир. Куйида Сингапур олимпиадасидаги энг қизгин лавҳалар акс этган.



## Ma'rifat

### TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi vazirligi, O'zbekiston Oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirligi, O'zbekiston Ta'lim va fan xodimlari kasaba uyushmasi Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:  
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Jumanazar BEK-NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV, Xurshid DO'STMUHAMMEDOV, Bahodir JOVLIYEV (bosh muharrirning birinchi o'rinbosari), Akmal ISLOMOV (mas'ul kotib), Mahmuda MURZAYEVA, Elshod NABIYEV, Husan NISHONOV (bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan USMONOV (bosh muharrir o'rinbosari, "Учитель Узбекистана"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul kotib, "Учитель Узбекистана"), Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta  
O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida № 0067 raqam bilan ro'yxatga olingan.

INDEKS: 149, 150. G-722.  
Tiraj 27788.

Hajmi 4 bosma taboq.

Ofset usulda bosilgan, qog'oz bichimi A-3.

Navbatchi muharrir:  
Nargiza IBROHIMOVA

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib bosish tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart. Tahririyatga yuborilgan materiallar muallifga qaytarilmaydi.

belgisi ostida reklama materiallari beriladi.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32.

E-mail: info@marifat.uz

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib — 233-99-15, umumiy o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat, kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda erkin narxda

Dizaynerlar  
Liliya BINASHEVA,  
Malohat TOSHOVA.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksionerlik kompaniyasi bosmaxonasi.

Korxonalar manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy

Bosishga topshirish vaqti — 21.00.  
Topshirildi — 21.00  
UzA yukini — 21.00